

www.mv-vatanparvar.uz

@vatanparvar09@mail.ru

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш
учун QR-кодини
сканер қилинг.



ҚУДРАТ,
ИШОНЧ,
ФАХР

2020 йил 27 ноябрь, №48 (2903)

Дилшод РЎЗИКУЛОВ суратга олган

4-5-бетада



НОҚУЛАЙ ШАРОИТДАГИ
МУВАФФАҚИЯТ СИРИ

10-бетада



КЕКСАЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

● Президент Шавкат Мирзиёев нефть-газ кимё саноатидаги истиқболли лойиҳалар ҳолатига оид тақдимот билан танишди.

Ўзбекистонда хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаб, иқтисодий самарадорликни кўпайтириш мақсадида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича қарий 9 миллиард долларлик 52 та лойиҳа белгиланган. Шундан 15 таси ноорганик кимё, 23 таси органик кимё, 12 таси полимерлар бўйича. Яна бир лойиҳага кўра, янги турдаги полимер маҳсулотлар бўйича илмий тадқиқот ва тажрибалар ўтказиб, лойиҳаларни бевосита ишлаб чиқаришга жорий этадиган ҳамда етук мутахассислар тайёрлайдиган инновацион марказ ташкил қилинади.

Тақдим этилган барча лойиҳалар самарасида 4,1 миллиард доллар қийматидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 1,1 миллиард долларлик импорт ўрни тўлдирилиши ва 1,45 миллиард долларлик экспорт таъминланиши мумкин. Жами 6 минг 500 га яқин иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Тақдимотда лойиҳалар ижросининг бориши, бу борадаги халқаро келишувлар натижалари юзасидан ахборот берилди. Давлатимиз раҳбари уларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун хорижий ҳамкорлар ва инвесторлар билан ишларни жадаллаштириш кераклигини таъкидлади.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

O'ZBEKISTON



HAFTA ICHIDA

11 БИР КУНДА
5 500 КИШИ...

12 ИСКАНДАР
ЗУЛҚАРНАЙН ВА
АЛЕКСАНДР
МАКЕДОНСКИЙ

19 ВИРТУАЛ
ТАБАССУМ

21 ТУШУНИШ ҚИЙИН
БЎЛГАН ТИЛЛАР

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг:

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press

facebook.com/UzArmiya

instagram.com/uzbekistanarmy

2020 йил – ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

“ Рақамли иқтисодиёт – тараққиёт демек. У шунчаки ривожланиш эмас, балки жамият ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг янги босқичга кўтарилиши ва самарадорликка эришишнинг муҳим шarti саналади. Зотан, замонавий дунёда рақамли билимлар ва ахборот технологияларини чуқур эгаллашни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Аслида ҳам барча соҳаларнинг технологиялашиши иқтисодий ривожланишга сезиларли таъсир қилади, тараққиётнинг янги қирраларини ўзлаштиришга замин яратади.

Айтиш мумкинки, бугун Қуролли Кучларнинг янада ривожланишида рақамли иқтисодиёт ва интеллектуал тизимларнинг ўрни ортмоқда. Мудофаа тизимида ҳам энг яхши ишланмалар ва ғояларни такомиллаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг ижодий салоҳиятидан унумли фойдаланиш, ҳарбий қисм ва муассасаларнинг ўқув-моддий базасини модернизация қилишга алоҳида

ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ



III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ


этибор қаратилмоқда. Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида бўлиб ўтган «Профессионал армиянинг ривожланишида рақамли иқтисодиёт ва интеллектуал тизимларнинг ўрни» мавзусидаги республика илмий-услубий конференцияда айнан соҳадаги илғор тажрибалар хусусида сўз борди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири генерал-майор Баҳодир Қурбонов,



шунингдек, юртимизда фаолият юритаётган алоқа компаниялари ва олий таълим муассасалари вакиллари ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирок эди.

Тадбир давомида иштирокчилар ҳарбий институт курсантлари ва профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган илмий ва инновацион лойиҳалари кўргазмаси билан яқиндан танишди. Кўргазмада «Автоматлаштирилган Т-72 танки мажмуавий симуляцион тренажёр қурилмасини яратиш усул ва алгоритмлар», «Даствабки тиббий маълумотларнинг автоматлаштирилган ўлчов тизими асосидаги



электрон маълумотлар базаси», «АК-74 автоматининг интерфаол дастури» каби бир қатор инновацион лойиҳалар тақдим этилди. Мудофаа вазирлиги раҳбарияти ва мутахассислар томонидан мазкур инновацион лойиҳа ва ишланмаларни янада такомиллаштириш ва амалиётга татбиқ этиш лозимлиги таъкидланди.

Кўргазмада ўз ишланмалари билан фаол иштирок этган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар мудофаа вазири томонидан рағбатлантирилди.

АХЛОҚИЙ-РУҲИЙ ТАЪМИНОТ

“ Тошкент вилоятида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ахлоқий-руҳий таъминоти тизимини такомиллаштириш масалалари» мавзусида форум бўлиб ўтди.

Мавзу юзасидан ўзаро тажриба алмашиш, вазирлик ва идораларнинг соҳада эришган ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш, жанговар (махсус) хизмат вазибаларини бажаришда ахлоқий-руҳий таъминотни самарали ташкиллаштириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, ахлоқий-руҳий таъминотни такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар таҳлили натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида ўтказилган мазкур форумда Қуролли Кучлар давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларининг масъул ходимлари, қўшин турлари ва ҳарбий тузилмаларнинг тарбиявий ва мафкуравий ишлар органлари офицерлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Дарҳақиқат, қачонки ҳарбий хизматчиларда миллий руҳ юксак бўлса, улар ўз олдларига қўйилган вази-

УСТУВОР МАСАЛА



Баҳром АБДУРАҲИМОВ

фаларни муваффақиятли адо этади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар шайлиги ва жанговар қобилиятини ошириш, мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз фаровонлиги ва тараққиётини таъминлаш мақсадида 2019 йилнинг 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ахлоқий-руҳий таъминот концепцияси тасдиқланган эди. Мазкур концепциянинг мазмун-моҳи-

яти, ундан кўзланган мақсад ҳамда ахлоқий-руҳий таъминотни ташкиллаштиришда вазирлик, қўмита ва идораларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида 2019 йилнинг апрель ойида Биринчи форум ўтказилди. Форумдан сўнг ўтган давр мобайнида мазкур соҳани ривожлантириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилди, ички идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қўшинларга татбиқ этилди, ҳарбий

хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги бўйича қатор объектлар барпо этилди.

Навбатдаги форумда айнан соҳада ўтган бир йил давомида олиб борилган шу каби ишлар, эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар танқидий таҳлил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ахлоқий-руҳий таъминот борасидаги мавжуд муаммолар, жаҳон ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзгариш тенденцияси, Марказий Осиё минтақасида сақланиб қолаётган хавф-хатарларнинг ўзига хослиги, ахлоқий-руҳий таъминотни ташкиллаштиришда хориж тажрибаси, фавқулодда ҳолатлар юзага келганида аҳоли орасида ахлоқий-руҳий таъминот тадбирларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда бу борада вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш бўйича таклифлар ўрганилди.

Форум якунида иштирокчилар қўшинларда ахлоқий-руҳий таъминот фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

“ Барча соҳаларда бўлгани каби Қуролли Кучлар тизимидаги давлат ҳарбий ташкилотларида ҳам ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш борасида самарали фаолият олиб борилмоқда. Давлат ҳарбий ташкилотларида ўзбек тилининг ҳам она тили, ҳам давлат тили сифатидаги тараққиётини таъминлаш, ҳеч бир шубҳасиз, миллий манфаатларимиз ҳимоясининг тамалларини ташкил этадиган эзгу ҳаракатлардан ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчилар ўз фикрини аниқ ва раво ифодалашлари учун тилдаги услублардан ҳам хабардор бўлишлари, кундалик сўзлашув тилидан ташқари, расмий – иш юритиш тилини ҳам билишлари керак. Чунки оддий аскар, сержант ёки офицерлар таркибида хизматни ўтаётган ҳарбийлар фаолиятлари давомида, барибир, ҳеч бўлмаганда, ариза, билдирги, тилхат, таржимаи ҳол, тушунтириш хати ёки ишончнома ёзишларига тўғри келади. Ҳарбий бўлинмалар (муассасалар) командири ёки раҳбарларининг фаолиятини эса иш юритиш қоғозларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам «Давлат тили ҳақида»ги қонуниимизнинг ўзак моддалари (8-14-моддалар)да иш юритишнинг тилга алоқадор жиҳатлари қоидалаштирилган.

Давлат ҳарбий ташкилотларида иш юритиш ва ўзбек ҳужжатчилигини шакллантириш ҳамда такомиллаштиришдаги энг муҳим ва долзарб масалалардан бири тайёрланадиган ҳужжатнинг тили ва услуби масаласидир. Хизмат ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва расмийлаштиришда, энг аввало, ўзбек тилининг барча асосий қонуниятлари ва қоидаларини маълум даражада тасаввур этиш зарур.

Барча бўғиндаги командирлар, қолаверса, ҳарбий қисм, ташкилот, муассаса ва ҳарбий бўлинма, умуман, фаолияти иш қоғозлари ва хизмат ҳужжатларини тузишга масъул бўлган ходимлари ўзбек тилининг имлоси, тиниш белгилари ва услубий қоидаларини эгаллаган бўлиши керак. Бусиз бугунги жадал тараққиётимиз талабларига жавоб берадиган, аниқ, лўнда ва теран мантиқли ҳужжат тайёрлаш тизимини яратиб бўлмайди. Соҳа мутахассислари ҳисоб-китобларига қараганда, бошқарув соҳасидаги хизматчилар ўз иш вақтларининг 80 фоизгача қисмини ҳужжатлаштириш ишига сарфлар экан. Тасаввур қилинг, агар мазкур ходимлар ўзбек тили қонуниятлари, иш юритиш тили ва услубидан яхши хабардор бўлмаса, иш вақтларининг деярли 100 фоизини бу ишга сарфлаганларида ҳам ижобий натижага эришишлари қийин бўлади.

Ўзбек ҳужжатчилигининг жиддий ўрганилиши, амалий ва назарий тадқиқ этилиши лозим бўлган масалалардан бири бу – айрим хизмат ҳужжатларининг номланишидир. Яқин-яқин кунларга қадар бир неча тур ҳужжатлар рус тилида қандай номланган бўлса, ўзбек тилида ҳам шундайлигича номланиб келинган.

Бундай ҳол ҳужжатларнинг номларида, матнида ҳам кўп кузатилган. Ўзбек тилида узок вақтлар қўлланишда бўлган «справка», «рапорт», «инструкция», «акт», «характеристика», «протокол», «отчёт», «анкета», «заявка» каби кўпжа ҳужжатлар номлари учун тегишли ўзбекча муқобил сўзлар йўқмиди?! Изланса, тарихимизга, ноёб китобларимизга мурожаат қилинса, топиларди. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» (XI аср) асарида «ёрлик, нома» маъносидаги «билдиргулик» сўзи бор эди. Бу сўз соф туркий «билмоқ» феълидан ясалган. Шуларни ҳисобга олиб, «рапорт» дейиладиган ҳужжатни ўзбек тилида «билдириш» сўзи билан номлаш мумкин. «Справка» маъносини «маълумотнома» сўзи бемалол ифода этиб келмоқда.

«Акт» шундай ҳужжатки, унда аниқланган муайян ҳодиса ёки бирон-бир воқеанинг тўғрилиги тасдиқланади ва бунга бир неча кишининг гувоҳлиги келтирилади. Шундай экан, бу ҳужжатни ўзбек тилида «далолатнома» сўзи билан атайвериш мумкин, чунки бу сўз мазкур ҳужжатнинг моҳиятини тўғри ва тўлиқ акс эттира олади. Мазкур сўздаги «нома» қисми ҳужжатнинг ёзма шаклда эканлигига ишора қилади. Бошқа соҳада бўлгани каби Қуролли Кучлар тизимидаги вазирлик ва идораларда ҳам «инструкция» сўзи ўрнида ўзбекча «йўриқнома», «характеристика» ўрнида «тавсифнома», «протокол» ўрнида «баён, баённома», «отчёт» ўрнида «ҳисобот», «анкета» ўрнида «сўровнома, сўроқ варақаси», «заявка» ўрнида «талабнома» сўзларини бемалол ишлатиш мумкинлигини айни кунлардаги амалиёт кўрсатиб турибди.

Хизмат ҳужжатлари матнига қўйиладиган энг муҳим талаблардан бири холислиқдир. Хизмат ҳужжатлари расмий муносабатларни ифодаловчи ва қайд этувчи расмий ёзма воситалар сифатида ахборотни холис акс эттирмоғи лозим. Шунинг учун ҳужжатлар тилида сўз ва сўз шакллари қўллашда муайян чегараланишлар мавжуд. Хусусан, хизмат ҳужжатлари ва расмий иш услубида кичиратириш-эркалал қўшимчаларини олган сўзлар, кўтаринки-тантанавор ёки бачкана, дағал сўзлар, шевага оид сўзлар, тор доирадаги кишиларгина тушунадиган сўзлар, ўхшатиш, жонлантириш, муболаға, истиора, ташхис каби образли тафаккур ифодаси учун хизмат қилувчи усуллар ишлатилмайди. Уларнинг ишлатилиши ҳужжатлар матнидаги ифоданинг ноҳилислигига олиб келади.

Хизмат ҳужжатининг матни аниқлик, ихчамлик, муҳимлик, лўндалик, мазмуний тўлиқлик каби талабларга ҳам жавоб бериши керак. Бу талабларга жавоб бера олмайдиган ҳужжат чинакам ҳужжат бўла олмайди, бундай ҳужжат иш юритиш жараёнига халақит беради, унинг самарадорлигини кескин пасайтиради.

Ҳужжатлар тилида от туркумига оид сўзлар кўп қўлланилади. Ҳатто феъл билан ифодаланувчи ҳаракат ва ҳолатлар ифодаси учун ҳам отга яқин сўз шакллари танланади, яъни «ҳаракат номи» деб аталувчи сўз шакллари фаол ишлатилади: «...тайёрорлик кўриш тўғрисида», «...қарорнинг бажарилиши ҳақида», «...сифатли ўтказиш мақсадида», «...маълумот тақдим этишини сўрайман», «...чора кўришини сўрайман» каби.

Феъл шакллари кўлланилишида ҳам бирмунча ўзига хосликлар мавжуд, хусусан, мажхул нисбатдаги 3-шахс буйруқ-истак майлидаги ёки ўтган (ёки ҳозирги-келаси) замондаги феъл шакллари кўлланилиш даражаси анча юқори: тасдиқлансин, топширилсин, бажарилсин, бўшатилинсин, тайинлансин, юборилсин; тинглансин, эшитилсин, қарор қилинсин, кўриб чиқилсин, кўрсатиб ўтилсин каби.

Хизмат ҳужжатларининг моҳияти ва мақсадига мувофиқ равишда, уларда сўроқ ва ундов гаплар деярли қўлланилмайди, асосан дарак ва буйруқ гаплар ишлатилади. Зеро,

ДАВЛАТ ТИЛИДА ИШ ЮРИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС УСЛУБИ

ҳужжатларда тилнинг икки вазифаси – хабар бериш ва буюриш вазифалари амалга ошади. Мисол учун, маълумотномада ахборот ифодаланади, буйруқда буюриш акс этади, баённомада ҳам ахборот («эшитилди», «тингланди...»), ҳам буюриш («қарор қилинди») ўз ифодасини топади.

Хизмат ҳужжатларининг матни биринчи шахс ёки учинчи шахс тилидан ёзилади. Яқка раҳбар номидан ёзиладиган фармойиш ҳужжатлари (буйруқ, кўрсатма каби) биринчи шахс тилидан бўлади. Шунингдек, айрим шахс томонидан ёзилган ҳужжатлар (ариза, таржимаи ҳол, тушунтириш хати каби) ҳам биринчи шахс, бирлик сонда ёзилади. Бошқа ҳужжатлар эса ё биринчи шахс кўплик сонда ёки учинчи шахс бирлик сонда тузилади: «...га рухсат беришингизни сўраймиз», «...деб ҳисоблаймиз»; «бирлашма қўмондонлиги талаб қилади», «бошқарма сўрайди» каби.

Хизмат ҳужжатлари матнини тузишда турғунлашган, қолиплаган сўз бирикмаларидан кўпроқ фойдаланиш лозим. Чунки қолиплаган, ягона доимий шаклга эга бўлган сўз тизимлари ва иборалар бошқа сўз бирикмаларига қараганда 8-10 марта тез идрок қилинади. Бунинг устига қолиплаган сўз бирикмалари хизмат ҳужжатларини тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни тушуниш жараёнини анчагина тезлаштириш имконини беради. Тайинки, ҳар бир расмий ҳужжат турининг моҳияти ва мақсади билан боғлиқ равишда ўзига хос қолиплаган синтактик тузилмалар шакллана боради. Масалан, буйруқда қуйидагича қолиплаган тузилмалар қўлланилиши мумкин: «...лавозимга тайинлансин», «...лавозимдан озод этилсин», «...бўшатилинсин», «...юборилсин», «...юклансин, юклатилсин» ва ҳ.к.

Ўзбек тилидаги ҳужжатчилик такомиллаша боради бундай қолиплаган бирикмалар ҳам кўпайиб, муқаммаллашиб боради. Бунинг натижасида расмий ҳужжатларни тузиш ва расмийлаштириш иши бир қадар енгиллашади.

Ҳамонки, ҳар қандай расмий ҳужжат, энг аввало, ахборот ташувчи восита экан, унинг ахборот сифатини кенгайтириш, фикрнинг теран, мантиқли бўлиши муҳимдир. Шунинг учун ҳужжатда тилнинг ортиқчалик принципини четлаб ўтиш, сўзларни тежаш принциpidан оқилона фойдалана билиш керак. Бунинг учун қисқартмаларни қўллаш яхши натижа беради, бунда меъёрга қатъий ва изчил амал қилиш лозим. Чунки қисқартмалар ўзбек тилининг табии атига у қадар мос эмас, шу сабаб қисқартмалар ўзбек тилида унча кўп кузатилмайди. Ҳозирда бир қадар одатга кирган қисқартмаларимиз бор: «проф.» (профессор), «кг» (килограмм), «км» (километр), «млн» (миллион), «й.» (йил), «ва ҳ.к.» (ва ҳоказо) ва бошқалар.

Расмий ҳужжатдаги фикрни аниқ, лўнда баён қилишда хатбошининг (абзац) аҳамияти ҳам катта. Ҳар бир янги, алоҳида фикр хатбоши билан ажратилиши, бир хатбошидан иккинчи хатбошигача бўлган матн 4-5 жум-

ладан ошмаслиги мақсадга мувофиқ.

Ҳужжат тайёрлашда имло ва тиниш белгилари масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун расмий ва хизмат ҳужжатларини тайёрлайдиган ҳарбийлар ва Қуролли Кучлар хизматчиларига ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» 339-сон қароридан фойдаланишлари тақлиф этилади.

Иш юритишда, албатта, ўзбек тилининг ўз қонун-қоидаларига риоя қилиш керак. Ўзбек тилида битилган ҳужжатларда унинг санасини кўрсатиш, масалан, «25 ноябрь 2020 йил» тарзида ёзиш рус тилидан кўчириш оқибатида одат бўлиб қолган. Рус тилида «25 ноября 2020 года» тарзида ёзилади ва бу рус тилининг табиати, шунингдек, қонуниятларига тўла мувофиқ келади. Айни иборанинг ўзбек тилидаги маъноси ҳам аслида «2020 йилнинг 25 ноябри» демакдир. Шундай экан, ўзбек тилининг ўз табиати ва қонун-қоидалари асосида «2020 йилнинг 25 ноябри» ёки «2020 йил 25 ноябрь» тарзида ёзиш керак. Бу-ку – бир мисол. Ҳужжатларда сўз ва гап тартиби билан алоқадор, сўз қўллаш билан боғлиқ жуда кўп муаммолар борки, уларни фақат айни тил табиатидан келиб чиқиб, ҳал этмоқ лозим.

Ўзбек тилидаги ҳужжатчиликни такомиллаштиришда мавжуд тажрибалардан кўз юмиб бўлмайди. Ҳозирги кунда амалиётда «қонун», «фармон», «қарор» сўзларини уларнинг номларидан кейин баъзан бош ҳарф билан, баъзан кичик ҳарф билан ёзиш ҳолатлари учрамоқда. Аслида, Ўзбекистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан эълон қилинган қонун, фармон ва қарорлар олий ташкилот ва олий мансаб эгаси номидан эълон қилинган сабабли уларнинг номларидан кейин келадиган «қонун», «фармон», «қарор» сўзлари бош ҳарфда ёзилиши керак.

Ҳужжатнинг номини ёзишда бизда ҳар хиллик мавжуд, хусусан, баъзан кичик ҳарф билан, баъзан бош ҳарф билан ёзилади. Ҳужжатнинг номи бўлганлиги учун уни бош ҳарф билан ёзган маъқул, шунингдек, босма матнда бошқа усул билан, масалан, мазкур номни тўлиғича бош ҳарфлар билан ёзиш орқали ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин. Бироқ ҳужжатнинг номи бўлганлиги учун (сарлавҳалардаги каби) ундан сўнг нуқта қўйиш шарт эмас.

Қаҳрамон КАМОЛОВ,
Мудофаа саноати
давлат қўмитаси раисининг
маслаҳатчиси

P/S. «Vatanparvar» газетасининг келгуси сонларида давлат тилида иш юритиш бўйича ҳужжатларнинг таснифланиши, турлари ва хусусиятлари тўғрисида маълумот бериш режалаштирилган бўлиб, улар тўғрисида керакли маълумотларни билиб олиш ҳар бир ҳарбий хизматчи учун фойдадан холи бўлмаслигини алоҳида таъкидлаган бўлардик.

НОҚУЛАЙ ШАРОИТДАГИ МУВАФФАҚИЯТ СИРИ



“ Чирчиқ дала-ўқув майдони тунд қиёфадаги ҳорғин кимсани эслатади. Аёзнинг зўридан довдарахтлар ҳам қилт этмайди. Айрим нозиктаъб одамлар ўйда ўтириб, совуқдан шикоят қилиб турган айти шу паллада Қуролли Кучлар академиясининг 4-босқич курсантлари БТР-80 ва ўқотар қуроллардан назорат ўқ отиш машқини бажардилар. Курсантларнинг кичик гуруҳлар таркибида, кундузи ва тунда қанотлар бўйлаб амалий отиш машқларини бажаришини жанговар тайёргарликнинг янги босқичига менгзаш мумкин эди.



Машғулот раҳбарлари кузатувида иштирокчилар белгиланган вазифаларни гуруҳ-гуруҳ бўлиб, навбат билан адо қилдилар. Подполковниклар – Рашид Аҳмадалиев, Маъруфхон Комилов, Анвар Сатторов, Абдуманноп Турғунов каби академия ўқитувчилари курсантларнинг хатти-ҳаракатларидаги камчилик ва ютуқларни муҳокама қилиб, баҳолаб борди.

Атроф оппоқ қор билан қоплангани, кийимлардан ўтиб кетаётган изиллаган совуқ ҳам қор қилмайди. Устоз офицерларнинг суҳбат мавзуси бугунги кундаги ҳарбий таълим, ўзгариш ва янгиланишларга уланиб кетади. Курсантлар қайси мавзуларни ўзлаштиришда қийналяпти? Қайси фанларда амалиёт билан вобасталикда нуқсонлар учрайди? Олий ҳарбий таълим муассасаларининг нуфузини янада ошириш учун нималарга аҳамият бериш керак?

Муҳими, айти пайтдаги натижа – Қуролли Кучлар академиясининг 4-босқич курсантлари ўқотар қуроллардан отиш ва жанговар машиналарни ҳайдаш бўйича кундузги ва тунги назорат ўқ отиш машқларини муваффақиятли бажармоқдалар.

Ташқаридан қарасангиз, баҳайбат ҳарбий техника қорли полигонда осонгина сирғалиб-сирғалиб юриб кетаётгандек кўринади. Ўрни келганда нишонни мўлжалга олиб, ўқ узади. Бехато кетса, ютуқ уларники.

Ўша жанговар машинанинг ичида ўзингиз бўлсангиз-чи?

Унда вақт оқими ва макон бошқа ўлчамга ўтиб қолгандек туюлади. Бироз тор, аммо кўз илғамас ҳудудгача ишғол қила оладиган қудратли ҳарбий техника. Назарингизда, аллақанча масофани босиб ўтиб келсангиз, одатий чамада узоқлиги сезилмайди.

– Курсантлар БТР-80 жанговар машинаси ҳамда десант қуроллари билан биргаликда ён томонлама ҳаракат вақтида отиш машқларини бажармоқдалар. Ушбу тактикада ҳозирги кунда шаҳар шароитида олиб бориладиган





Мақола асосида тайёрланган видео роликни томоша қилиш учун QR-кодини сканер қилинг.



жангларни ўрганиш асосида кутилмаган вазиятларда ҳаракатланиш усуллари жамланган. Бу орқали бўлажак офицерлар ўрганган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамламоқдалар, – дейди подполковник Фурқат Юлдашев.

– Кун ўтган сари сафдошларимнинг масъулияти ортаётганини ҳис қилиб турибман. Нега? Чунки санокли ойлardan кейин биз ҳам офицерлар қаторидан ўрин оламиз. Кейин хатоларимиз кечирилмайди, ўрганувчидан ўргатувчига айланамиз. Шунинг учун ҳам ҳар кунлик фурсатимизни ғанимат билиб, билим, тажриба ва кўникмаларимизни оширишга ҳаракат қиляпмиз. Ушбу машғулотлар давомида қулай бўлмаган шароитда душманнинг эҳтимолий ва кутилмаган ҳужумларига қарши кундузи ва тунда жанг олиб бориш усуллари-ни ўзлаштиряпмиз, – дейди курсант Уролбек Холиёров.



Курсантлар билан суҳбатлашганимизда улар олий ҳарбий таълим муассасасига кириш чоғида ва таҳсил бошлангандаги ҳаяжон ва



масъулият ҳақида гапира кетишди. Уларнинг эндиги ўйи, хаёли бўлажак офицерлик фаолиятини муваффақиятли бошлаш ҳақида эди. Бу йўлда курсантлар бор ғайрат-шижоатларини ишга солишяпти.

Ушбу машғулот ҳам курсантларнинг келгусидаги хизмат фаолиятида асқатувчи муҳим омиллардан саналади. Кун келиб, уларнинг тимсолида Қуролли Кучлар академиясига баҳо берилади. Шу боисдан ҳам улар совуғу

изғиринга қарамасдан кундузги ва тунги назорат этиш машғулотларини муваффақиятли бажардилар.

Катта лейтенант Азиз НОРҚУЛОВ, «Vatanparvar»



125-модда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.



ТАНЛОВ

ЙЎНАЛИШЛАР ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

“ Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида вазирлик тизимидаги кадр органи офицерлари билан «Кадрлар органларининг энг илғор офицери» танловининг якуний босқичи ўтказилди. Танлов ҳарбий округ, бригада ва батальон йўналишида ташкил этилиб, унда ҳарбий округ (бирлашма) миқёсида биринчи ўринни қўлга киритган офицерлар иштирок этдилар.

Танлов шартларига асосан иштирокчилар жисмоний тайёргарлик, ПМ пистолетидан ўқ отиш синовларини бажариш, «My Test» тизимли таъминот дастури ёрдамида умумий назарий билим



даражаларини текширувдан ўтказиш, ахборот технологияларидан белгиланган дастурий муҳаррири ёрдамида ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда махсус тайёргарлик бўйича амалий топшириқларни бажардилар.



Танлов натижаларига асосан комиссия аъзолари томонидан рейтинг баҳо ва кўрсаткичларни тизимлаштириш асосида ҳар бир бўғиндаги йўналиш бўйича ғолиблар аниқланди.

Майор Шунқор БЎРИЕВ

ЭНГ ЯХШИ, ЭНГ ИЛҒОР

“ Китоб – эзгулик калити, улўғликка элтувчи йўл, илму маърифатдир. Қадимда ота-боболаримиз бутун инсониятни зулмат, жаҳолат ва залолатдан фақат илму маърифатгина халос эта олади, дея бежиз айтишмаган.

Бу ҳақда шундай ривоят бор. Унда келтирилишича, бир кун Луқмони ҳаким шогирдларидан сўрабди:

– Касалга обу таом берилмаса, у ўлади?
– Ҳа, ўлади, – деб жавоб берибди шогирдлари.
– Тўғри, очлик инсонни ўлдирди. Лекин шунини ёдда тутингки, қалб ҳам уч кун озиклантирилмаса, ўлади. Китоб – қалбнинг озукасидир, – деган экан улўғ ҳаким.

Ҳар йили Мудофаа вазирлиги тизимида ўтказиб келинаётган «Энг яхши кутубхона», «Энг яхши кутубхоначи» ва «Энг илғор маданият маркази бошлиғи» кўрик-танловлари ҳам шундай эзгу тадбир сифатида аҳамиятга молик.


Қуролли Кучлар давлат музейида мазкур кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ҳарбий округлардан сараланган маданият маркази бошлиқлари ва кутубхоначилар иштирок этган беллашувни Тошкент шаҳар «Билим» ахборот-кутубхона маркази директори Ҳафиза Каримова бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Беллашувлар давомида танлов иштирокчилари дастлаб соҳага оид тест синовидан ўтишди, берилган мавзу бўйича интернет ёрдамида маълумотлар базасини шакллантириш, ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар режаси ва сцена-



рийсини тузишган бўлса, учинчи шартда иштирокчиларнинг касбий маҳорати, китобхоналарга кўрсатилаётган хизмат турлари, электрон каталог яратиш ва ундан фойдаланиш, китобхоналар билан ишлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи турли маънавий-маърифий танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш каби шартлар бўйича презентация қилишди. Шунингдек, иштирокчиларнинг ўз йўналишида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган вазифалар ижроси бўйича ҳисоботлари тингланди, ўтказилган тадбирларни ўзида жам этган фотоальбомлари кўриб чиқилди.

«Энг яхши кутубхона» кўрик-танлови ҳам қизиқарли ва қизгин давом этди. Унда кутубхоналарнинг бугунги кун талабларига жавоб бериши,



III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ

моддий-техника базаси, фонди, янги адабиётлар билан бойитилганлиги, электрон-ахборот алмашинуви ва имкониятлари, бадиий-эстетик жиҳозланганлиги, шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар хизматчилари ҳамда уларнинг оила аъзоларини кутубхонага жалб этиш кўрсаткичлари, кутубхонада ўтказиладиган тадбирлар хилма-хиллиги, мазмуни, моҳияти ва самарадорлиги каби муҳим жиҳатлар баҳоланди.

Якуний натижага кўра, «Энг яхши кутубхоначи» танловида 1-ўринни сержант Аббосхон Сафаралиев эгаллади. «Энг яхши кутубхона» йўналишида контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Рустам Фафуров, «Энг илғор маданият маркази бошлиғи» танловида эса Отабек Тўрақулов ғолиб бўлди.

Лола МУРОДОВА

ВОЕННОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО

НАЦИОНАЛЬНАЯ ГОРДОСТЬ НАРОДА

“ В национальной группе второго курса Федерального государственного военно-образовательного учреждения высшего профессионального образования «Военный университет» Министерства обороны Российской Федерации проведено мероприятие на тему: «Государственный флаг Республики Узбекистан – национальная гордость народа и каждого его гражданина».

В мероприятии приняли участие слушатели и курсанты национальной группы из Узбекистана, Казахстана и Абхазии, а также преподаватели данного образовательного учреждения. В ходе мероприятия были заслушаны выступления слушателей

национальной группы и авторское стихотворение, посвящённое Республике Узбекистан.

В своих выступлениях представители Узбекистана раскрыли суть, сущность и значение Государственного флага Родины в деле патри-

отического воспитания молодёжи, а также её воодушевляющую роль в совершении великих подвигов во благо процветания и светлого будущего молодого Узбекистана. А доцент кафедры русского языка Военного университета профессор И.В. Смирнова отметила миролюбивую политику Узбекистана, его авторитет на мировой арене, большие достижения республики во всех сферах жизни общества. С теплотой в душе она отзывалась об оказанной узбекским народом неоценимой помощи во время Второй мировой войны, а также рассказала о роли и творчестве таких великих мыслителей,

как Авиценна, Улугбек и Алишер Навои, поделилась впечатлениями об исторических городах Самарканд, Бухара и Хива.

В заключительной части мероприятия доцент кафедры русского языка профессору И.В. Смирновой была вручена книга народного писателя Узбекистана Мухаммада Али «Алишер Навои. Сокровищница мыслей» в качестве подарка от имени слушателей и курсантов национальной группы Республики Узбекистан.

Подполковник Содик БОЗОРОВ,
слушатель группы
Специального факультета ВУ МО РФ

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

“ Одамлар китоб ўқимай кўйди, деган гапни кўп эшитамиз. Аммо мен бу гапга ишонмайман. Одамлар ҳамма вақт китоб ўқишади. Шундай бир мураккаб даврлар бўладики, одамлар ундан бироз узоқлашадилар, бутунлай узилмайдилар.

Бугун ёшлар китобдан интернетни афзал биледи, деган даъволар бор. Эҳтимол. Аммо китобнинг электрон шакли ҳам бор. Аслида интернет ҳам илмдир. Шундай экан, ёшларни билимсизликда, китобдан узоқлашганликда айблаб бўлмайди. Мутолаани севадиганлар кўплигига ишонаман.

Вақт ғоят қимматли нарса. Мутолаага кетадиган қимматли вақтингизни том маънода ҳузурли лаҳзаларга айлантормас учун ушбу саҳифа сизга яқин кўмакчи бўлади. Чунки биз сиз, азиз ўқувчиларга энг сара асарларни танлашда ёрдамчи бўламиз.

Айрим ноширларнинг айтишларига қараганда поэтик асарларнинг сотилиши душвор эмиш. Бундай бўлиши мумкин эмас. Ҳаммаси шеърларни қандай тақдим қилишга боғлиқ. Буни қаердан ҳам билардинг, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Буни биламан, ўз тажрибамдан, кузатишларимдан келиб чиқиб, ишонч билан айта оламанки, орамизда шеърят ихлосмандлари кўп.

Шеърда сеҳр бор. Мен бир неча юзлаб инсонлар ўтирган залда шеър ўқилганида пашша учса эшитиладиган сукунатнинг гувоҳи бўлганман. Мен асл шеър янграганида буюк дарё каби гувранган одамларни кўрганман.

Шеърда сеҳр бор, шеърда мудроқ дилларни уйғотувчи қудрат бор. Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева ижодида, шеърятда ана шундай сеҳр, қудрат бор:

*Мен Туроннинг қадим кўнғироғимен,
Жаранг берсам қир-даласи уйғонар...*

Ҳалима Худойбердиева ҳақида кўп ёзилди. Мен улар қаторида янги бир сўз айтишим қийин. Ундан кейин бу улкан ижодкор ҳақида ёзиш учун ўзимни кўп-да ҳам ҳақли деб билмайман. Мен шунчаки шоир ижодини жуда севаман, ижодига эҳтиромим юксак.

Ўтмишда халқимиз кўп жафоларни бошидан кечирди. Яқин ўтмишимизда, тинчлик даврида «совет армияси» сафларидан темир тобутда келтирилган фарзандлар ғам-андуҳи, кулфати шоирни бефарқ қолдирмади. У она эди, она шоир эди. Шунинг учун бу улкан ғамни бор даҳшати билан қалбидан ўтказди, бор даҳшати билан ҳис қилди ва қоғозга тўқди:

*«Кўнглимда кўнглимнинг минг синиғи бор,
Кўнглимда ғамларнинг ўтқир тиғи бор.
Йиғи бор, олдинда катта Йиғи бор,
Элнинг болалари ўлмас бекорга.
Обдан ювган билан ювиларми қон,
Қотилдан қочиб йўлга чиққан жон,
Тобутлар сарсон, армон-а, армон,
Бу болалар қони ёзилмас қорга.
Бу кун тинч денгиздай қалқсанг-да тек, жим,
Қаърингдан ўкириқ келмоқда, халқим.
Эртага бу жонсиз болалар қалқиб
Жонли виждонларни тортажак дорга!»*

Ҳа, бу яқин ўтмишимизда юз берган эди. Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими бошлиғи Январ Инояттов ўша давр ҳақида сўз кетганида шундай воқеани айтиб берган эди: «Деҳқонобод туманида ишлар эдим. Бир қария бўларди, жуда ўктам, гап келса, ҳеч кимни аяб ўтирмас, камчиликларни шартта юзингга айтарди. Шу сабабли у кишини эслаб қолган эдим. Бир куни ишлаб ўтирсам, кабинет эшиги тарақлаб очилди-ю, остонада ўша қария пайдо бўлди. Аввалги ўктамликдан

«МЕН ТУРОННИНГ ҚАДИМ КЎНҒИРОҒИМЕН»

асар йўқ, ранги бир аҳволда, остонадаёқ: «Болам, болам...» деди-ю, гурсиллаб ағдарилди. Бошидан салласи учиб, ёйилиб кетди... Совет армиясида хизмат қилаётган ўғли нобуд бўлган экан. Орадан кўп йиллар ўтди. Аммо ўша полда ёйилиб кетган салла, гурсиллаб дарахтдек кулаган оппоқ сочли қария ҳеч ёдимдан кўтарилмайди...»

Халқнинг, миллатнинг бу чўнг дарди Ҳалима Худойбердиеванинг ўтли сатрларида бўй кўрсатган. Шоир эрк, хурриятни энг юксак пардаларда куйлади. Ҳаётининг сўнгги йилларида шундай ёзган эди:

*«Бари ёлғон,
Шу йўлгина чин.
Бу йўлда юрмайсан, учасан.
Фақат унда кетмоқлик учун
Ўзинг бор-йўғингдан кечасан.
Отланаркан тонг ёки кечда,
Ичга тўлдир озодлик куйин.
Бор лаш-лушинг бирма-бир еч-да,
Бошдан-оёқ, ХУРЛИКни кийин!
ЭРКка тўйин!»*

«Аёл шундай жумбоқлар китобики, ҳали ҳеч ким уни охиригача ўқий олган эмас».
Ўтқир Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» асаридан

Билгич одамларнинг айтишича, шоирлар шеър ёзганларида ўз дардларини, қалб кечинмаларини қоғозга тўкар эканлар. Ростдан ҳам шундаймикан? Нега унда унинг дарди менинг дардимга ўхшайди, кечинмалари худди менимдек, қувончи менинг қувончимдек?! Йўқ, бундай бўлмаса керак. Агар бу кечинмалар, туйғулар ёлғиз бир кишига тегишли бўлганида ҳамма шеър ёзарди. Аммо ҳамма ёза олмайди. Қанча кўп китоб ўқисам ҳам, минглаб сатр шеърларни ёд олсам ҳам мен бир мисра шеър бита олмайман. Чунки менга илоҳий илҳом берилмаган. Илоҳий илҳомлар билан айрим инсонларгина сийланган. Ҳалима Худойбердиева ана шундай айримларнинг, танланганларнинг биридир.

Баъзан кичиккина бир шеър қалбингни остин-устун қилиб юборади. Мен шоирнинг бир қатор шеърларини такрорлаб юришни ёқтираман. Бугун эса биттасига тўхталмоқчиман. Аслида унинг ҳар бир шеъри, тўртликлари алоҳида-алоҳида оламдир. Бироқ «Бу кунларга етганлар бор» китобига киритилган «Бир ўрим соч тарихи» мендан тобора узоқлашиб бораётган ёшлик хотираларини ёдга солиши билан беҳад қадрийдир.

«Бир ўрим соч тарихи» кичик дoston бўлса керак. Мен аввал шеърга эътибор бермадим. Пастдаги ёзувларни ўқий бошладим: «...бу – Сайрам бахшининг урчуқ йиғириб ўтириб, айтган «Бир ўрим соч тарихи»нинг айтиви. Кўкайим куйиб, кўз ёшларимни зўрға тийиб, «Холажон», дейман. «Жон, болам», дейди. «Бошқа айтувларингиздан айтинг», дейман. «О, улар менинг нолам-ку! Нола эшитишга тоқатларинг йўқдиров, болам», дейди. «Айтақолинг», дейман. «Ундай бўлса, – дейди Сайрам бахши, – ўрмакнинг эриш-арқовларини¹ йиғиштириб, мен бир ғажарининг² ипини йиғириб кўювдим. Ҳозир шуни қураимиз. Сен эришини югирасан, мен ўрмакнинг кузувини³ боғлаб ўтириб, бу қаттиқ бошимдан ўтган-кетган айтувларимдан

бирди-ярмини айтсам айтақолай», дейди-да, навбатдаги айтивини бошлайди...»

Ҳа, мен аввал шеърга эътибор бермадим. Мени шу парчанинг ўзиёқ ўзига оҳанрабо каби тортиб олди. Шу парчада онам бор эди, олис болагимни кўрдим! Урчуқда ип йиғираётган онам, хаёлларига банди бўлиб, атроф-оламни унутган онам... Атроф-оламни унутганини қаердан билишимни биласизми? Мен бола эдим. Баъзан онамнинг урчуқ йиғиришига қараб ўтирар эдим. Бир вақт унинг кўзларидан бир томчи ёш юмалаб тушди, яқинроқ бордим, иккинчиси юмалаб тушди... «Йиғлаяпсизми?» дедим. «Йўқ, нега йиғлайман?», деди менга қарамасдан. «Унда бу нима?» дедим иягида илиниб қолган кўз ёшини қўлларим билан сидириб. «Ипнинг чангидан...» деди бир лаҳза урчуқ йиғиришдан тўхтамай. «Ипнинг чанги нега менинг кўзларимга кирмайди?» дедим ҳайрон бўлиб. «Чанг фақат катталарнинг кўзига киради...», деди маъносиз жилмайиб.

Ҳовлида ўрмак ўрнатиларди. Гиламга «Чумчуқ кўзи» нақшини солиб тўқирди. Ўша пайтлари ҳам «от устида ўтиргандай ўрмак устида ўтириб» гилам тўқиётганида «кўзларига чанг кирганини» кўрганман. Ва шундай кўшиғи бор эди:

*Оқ шойидан кўйлагим, кўк шойидан кўйлагим,
Золим ёрнинг дастидан зардоб бўлган юрагим...*

«Золим ёр» эрта кетиб, кеч қайтадиган, биз деярли кўрмайдиган, умрининг катта қисми одамлар ташвишида дала-даштда кечган отам эканлигини қаердан билибман.

Ҳозир ҳам «чумчуқ кўзли» нақшлар бормикан, онам қўлларининг изи қолган гиламлар бормикан, ҳозир ҳам кимдир урчуқда ип йиғирармикан?..

Қаранг-а, бир шеър мени не кўйларга соляпти?! «Бир ўрим соч тарихи» бир қизнинг армонли... Йўқ-йўқ! Бу тарихни айтиб бермоқчи эмасман. Буни ўзингиз ўқинг. Ҳалима Худойбердиеванинг танланган асарларида ҳам бор бу шеър.

Ўқиймиз:

*«Ё фалак, бошимга солдинг не кунлар,
Кўзимнинг ёшини тиндирмадинг-а.
Умримга тошлардан тушди тугунлар,
Бирини ечмадинг, синдирмадинг-а!
Етимлик кўйлагин кийдирди Онам,
Увуз этимдаёқ куйдирди Онам,
Ўз тенгига никоҳ кийдирди Отам,
Шўрим эй, отамга тенгқурмидим-а!»*

Аёл дарди... Урчуқ иплари каби узун, ўрмакнинг эриш-арқовларига сингиб, гўзал нақшларга инган ғам, умид каби ёруғ ранглар, кеча-кундуз, йўллар каби адоқсиз ўйлар.

*«Қарасам...бир ўрим сочим, теккан қон –
Эл тинди, ел тинди, мен тинмадим-а!»*

Бу қандай соч эди, қон теккан соч? Билишни истасангиз (билишингиз керак, албатта), «Бир ўрим соч тарихи»ни ўқинг. Жавонингизни, қолаверса, қалбингизни бебаҳо сайланма, жавоҳир билан бойитинг!

¹ Эриш-арқов – ўрмак тўқиладиган иплар.

² Ғажари – тўқилиши қийинроқ гилам тури.

³ Кузув – ўрмакнинг кузувини кекса кампирлар, ишига пишиқ чеварлар боғлайди.



Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

ХУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

«БИЗ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИМИЗ»

Қарши ҳарбий прокуратураси томонидан назорат остидаги ҳарбий қисм ва муассасалар қўмондонликлари билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ҳамкорликдаги режалар ишлаб чиқиблиб, доимий равишда ҳар ҳафтанинг пайшанба – «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» доирасида ҳарбий хизматчилар иштирокида маъруза, прокурорлик соати, учрашув, очик мулоқот ва шу каби турли кўринишларда тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Миллий гвардиянинг Қашқадарё вилояти қўриқлаш бошқармасида ўтказилган тадбир ҳам айна шу масалаларга бағишланди.

Бошқарма офицерлари ва сафдор ходимлари қатнашган мазкур тадбирда «Биз жиноятчиликка қаршимиз» мавзусида маърузалар қилинди ва сўзга чиққанлар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб беришди.

Шунингдек, тадбирга вилоят ички ишлар бошқармасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва йўл ҳаракати хавфсизлиги мутахассислари ҳам жалб этилиб, қиш-қировли кунларда йўл ҳаракати қоидаларига оғишмай амал қилиш ва хавфсизлик талабларига риоя этиш масалаларида атрофлича тушунтиришлар берилди.

Адлия подполковниги **Жаҳонгир АШУРОВ**,
Қарши ҳарбий прокурори

Урганч ҳарбий прокуратураси томонидан вилоятнинг мудофаа ишлари, Миллий гвардия ва фавқулодда вазиятлар бошқармалари ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида навбатдаги оммавий сайёр қабул ташкил этилди. Унда малакали мутахассислар ва масъул ходимлар томонидан ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ва ҳарбий пенсионерларнинг мурожаати тингланди.

САЙЁР ҚАБУЛ ДАВОМИДА
МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛДИ

Энг муҳими, мурожаатнинг кўпчилиги сайёр қабул давомида ҳал этилди. Жумладан, фарзандларини мактабгача таълим ташкилотларига жойлаштиришда амалий ёрдам сўраб қилинган мурожаат вилоят мактабгача таълим бошқармаси мутахассиси М. Юсупов томонидан тезкор ҳал қилиш учун, тегишли фан йўналишлари бўйича таълим муассасаларидан иш бериш ҳақидаги мурожаатлар вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассиси Б.Тиллаев томонидан кўриб чиқиш учун назоратга олинди.

Сайёр қабулда Урганч ҳарбий прокурори адлия подполковниги Т. Ҳамзаев ҳар бир мурожаатчи билан алоҳида суҳбатлашди.

Шунингдек, тадбир давомида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ва китоб ярмаркаси ўтказилди.

Адлия подполковниги **Умид НОРМУРОДОВ**,
Урганч ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

«ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Самарқанд вилояти кенгаши тасарруфидаги Нуробод тумани ўқув-спорт техника клубида (ЎСТК) «Ватанпарвар» ташкилоти ташкил топганлигининг 29 йиллиги муносабати билан «Ватаним тақдири – менинг тақдирим» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

БАЙРАМОНА РУҲДА КЕЧДИ



қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Йўл харитаси»нинг 8-бандига асосан аҳолининг кенг қатламлари орасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган тушунтириш ишлари қай тартибда олиб борилаётганлиги билан ҳам яқиндан танишдилар.

Шунингдек, ўқувчилар ўртасида ҳаво милтиғидан ўқ отиш мусобақаси ўтказилди. Унда 61-умумтаълим мактаби ўқувчилари Аббос Қувондиқов ва Нафосат Шамсиева энг юқори натижаларни қайд этдилар. Байрамона руҳда кечган мусобақа совриндорлари ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида фаол иштирок этаётган бир гуруҳ ишчи-ҳодимлар тақдирланди.

Ҳошимжон **ҚОБУЛОВ**,
«Ватанпарвар» ташкилоти
Нуробод тумани ЎСТК бошлиғи

Унда тумандаги давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшларни чақирувга қадар тайёрлаш фани ўқитувчилари ҳамда Нуробод шаҳридаги умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирок этди. Тадбир давомида иштирокчилар туман ЎСТК ходимлари томонидан Президентимизнинг «Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича

ИШЛАР САРҲИСОБИ



Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти 1991 йилнинг 23 ноябрь куни ташкил топган. Ташкилотнинг Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфида 13 та ўқув-спорт техника клуби ҳамда 15 бошланғич ташкилот бўлиб, улар пойтахт туманларида фаолият олиб бормоқда.

Хусусан, бошланғич ташкилотларда авиамодель, автоспорт, мотоспорт, картинг, ракетамодел, ўқ отиш триатлон (дуатлон) парашют ва ёзги биатлон спорт турлари бўйича 25 та спорт секцияси мавжуд бўлиб, уларда 23 нафар мураббий, 516 нафар ўғил-қиз фаолият юритмоқда. 2020 йилнинг 11 ойи давомида 3 000 дан зиёд оммавий техник касб мутахассислари тайёрланди.

«Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши биносида бўлиб ўтган тантанали тадбирда тизимда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, туман ташкилотларининг фаол ходимлари эсдалик совғалар ва фахрий ёрлик билан тақдирланди.

Гавхар **МАМАТОВА**,
«Ватанпарвар» ташкилоти шаҳар кенгаши раис ўринбосари

ҚАДРИЯТ

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ
ЙЎЛИДА

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигида «Эр-хотиннинг оиладаги ўзаро муносабатлари» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ҳарбий хизматчилар, хотин-қизлар ва ёшлар иштирокидаги тадбир қизғин мунозара ва фикр алмашишларга бой бўлди. Унда сўзга чиққанлар оиланинг улуғ даргоҳлиги, уни асраш муқаддас бурч эканига алоҳида урғу бериб, эр-хотиннинг бир ёқадан бош чиқариб қиладиган эзгу ҳаракати, ўзаро илиқ муносабати, вафо-садоқати оила мустаҳкамлиги ва фарзандлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Инсоннинг бахт-саодати, гўзал истиқболи шу муаззам маскан билан боғлиқлигини эътироф этишди.

Дилбар **ҲУСАНОВА**,
ҲҲМҚ ва ҲҲК қўмондонлиги хотин-қизлар
ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари
билан ишлаш бўйича етакчи мутахассис

ЭЪТИРОФ

Ҳар бир ишнинг ўз эгаси – мутахассиси бор. Касб соҳиби ўз фаолиятини севадиган ва унга умрини бағишлаган бўлади. Айнан мана шу омил касб эгалари учун энг муҳим мезонлардандир. Айниқса, кўп йиллик тажрибага эга мутахассисларнинг маслаҳатлари ёшларга ўрнақдир.

ЯРИМ АСРЛИК ТАЖРИБА

Жамоамизда фидойи ходимлар кўп. Улардан бири туман электр тармоғи бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган Гаппар Мирзаев. Қарангки, у кишининг шу соҳада фаолият олиб бораётганига 50 йилдан ошибди. Энг иш қизғин палла куз-қиш мавсумига тўғри келади. Айнан ушбу мавсумда белгиланган объектларни электр энергиясининг узлуксизлигини таъминлаш, авария ҳолатларини тезкорлик билан бартараф қилиш, турли кучланишли электр узатиш тармоқлари ва трансформатор пунктлари ҳолатини назорат остида ушлаш каби муҳим масалаларга доимгидек Гаппар ака бош-қош.



Камтарин, меҳнаткаш ва касбига садоқатли ходимлар ҳар қандай жамоанинг фахри, юзи. Устоз-мутахассислар соғ бўлишин.

Подполковник **Т. ДЖУРАЕВ**,
Тошкент ҳудудий уй-жойдан
фойдаланиш қисми бошлиғи


КОНФЕРЕНЦИЯ

“ Тиббиётда «Касалликни даволагандан олдини олган афзал», деган пурмаъно нақл бор. Ўзига хос бу даъват коронавирус инфекцияси бош кўтариб турган ушбу таҳликали паллада катта аҳамият касб этади.

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий тиббиёт факультети томонидан ўтказилган «Пандемия даврида Қуролли Кучларда санитар-эпидемиологик таъминотни ташкиллаштиришга ёндашувлар ва талқинлар» мавзусидаги илмий-назарий конференцияда COVID-19 инфекцияси билан боғлиқ олиб борилган ишлар, муаммо ва масалалар хусусида сўз борди.

– Илмий-назарий конференциядан кўзланган мақсад, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари кўшинларига қарашли Ҳарбий қисм ва Ҳарбий-тиббий даволаш муассасаларида коронавирус пандемияси даврида тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги долзарб муаммоларни таҳлил қилиш ва уларнинг ечимини таклиф этиш, – дейди Ҳарбий тиббиёт факультети ўқув-илмий бўлим бошлиғи тиббий хизмат полковниги Абдухамид

ТАҲЛИЛ ВА ЕЧИМ



Бекенов. – Шунингдек, конференция якунлари бўйича мавзуга оид илмий асосланган хулосалар асосида, амалий ва услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилади. Мавзу бўйича тиббиёт хизмати офицерлари, факультет профессор-ўқитувчилари, тингловчи ва курсантларнинг ҳамда соҳа мутахассисларининг билимларини такомиллаштириш ҳам кўзда тутилган.

Илмий-назарий конференцияда бир қатор тиббиёт вакиллари коронавирус пандемияси билан боғлиқ долзарб мавзуларда маъруза қилди. Хусусан, Ҳарбий тиббиёт факультетининг кафедра офицерлари тиббий хизмат подполковниклари Жамшид Қутлиев, Адил



Кудияров, Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази бўлинма бошлиғи тиббий хизмат майори Тўлқин Тошпўлатов, врач-мутахассис тиббий хизмат капитани Элмурод Бекамов, тиббиёт фанлари номзоди, истеъфодаги тиббий хизмат полковниги Абдурайим Рахимов, врачларни тайёрлаш курси курсанти Шамсбек Тангтаров кўринмас ёвга қарши курашда амалга оширилган ишлар, муаммолар ва келгусидаги режалар ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Анжуман савол-жавобларга бой бўлди.

Зулфия ЮНУСОВА

ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ҲАРБИЙ УЧУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

“ Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси психологик тадқиқотлар бўлими мутахассислари белгиланган режага мувофиқ, Ҳарбий қисм ва муассасаларда Ҳарбий хизматчилар ҳамда Қуролли Кучлар хизматчилари билан учрашувлар, давра суҳбатлари, тренинг машғулоти ўтказмоқда. Шахсий таркибнинг руҳиятини ўрганиш, уларда мотивация пайдо қилиш, муаммоли ҳолатларнинг олдини олиш, хотирани кучайтириш, ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш мақсадларида ўтказилаётган мазкур тадбирлар Ҳарбий жамоалар фаолиятини ташкил этишнинг ижтимоий психологик жиҳатларини тадқиқ ва таҳлил қилишга ҳам ёрдам бермоқда.



ниқиш даражасини ошириш, оилавий масалаларни ҳал этиш, бўлинмани бошқаришнинг энг қулай усул ва услубларини баён қилиб, ўз тавсияларини берди.

– Ҳар қандай топшириқни ёки бирор-бир ишни муваффақиятли бажариш кишининг руҳиятига, яъни кайфияти, фикри, моддий ёки маънавий бирор нимага муҳтожлиги, қобилияти ёки руҳий тайёрлигининг тушиши, кўтарилиши каби омилларга боғлиқ. Буларни чуқур ўрганмасдан, муаммоларга ечим топмасдан бирор натижага эришиш қийин. Шунинг учун биз аввало, Ҳарбий хизматчининг индивидуал хусусиятларини ўрганиб, уларнинг касбий, шахсий, ахлокий-руҳий сифатларини ижтимоий психологик таҳлилдан ўтказамиз. Ва шу асосда ҳаракат йўналишларимизни белгилаб оламиз. Бугунги тадбирда Ҳарбий учувчилар ва авиация мутахассислари фаол иштирок этишди. Малакали мутахассислардан фаолиятимизни янада жонлантириш учун зарур маълумотларга эга бўлдик, – дейди Ҳарбий қисм командирининг ёрдамчиси, Ҳарбий психолог лейтенант Зуфар Маҳаммадқулов.

Фурқат ЭРГАШЕВ

Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларининг Ҳарбий қисмларидан бирида Ҳарбий учувчилар ва авиация мутахассислари билан ўтган тадбир бошқарув психологияси, низоли вазиятларни профилактика қилиш, стресс – зўриқиш ҳолатларидан чиқиш, оила психологияси каби бир неча мавзуларга бағишланди.

Унда Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси психологик тадқиқотлар бўлими бошлиғи подполковник Шерзод Равшанов Ҳарбий хизматчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берар экан, шахслараро муносабатлар, Ҳарбий хизматчининг ўзидан қо-

ТАЪЛИМ

СТРАТЕГИЯЛАР МУЗОКАРАЛАР ИНВЕСТИЦИЯЛАР



Муаллиф суратга олган

“ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Олий дипломатия мактабида Мудофаа вазирлиги мутахассислари учун «Стратегиялар, музокаралар, инвестициялар» ўқув курси бўлиб ўтди.

Курснинг мақсади иштирокчиларнинг халқаро сиёсий ва иқтисодий алоқалар соҳасидаги касбий малакасини оширишдан иборат. Машғулотларни дипломатия, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро ҳуқуқ соҳасидаги етакчи мутахассислар, университетнинг профессор-ўқитувчилари ва таклиф қилинган маърузачилар олиб боришди. Амалиёт талаб қиладиган махсус билим ва кўникмаларни ҳам ўз ичига олган дастур асосида тингловчилар етакчилик ва стратегик режалаштириш, жамоани шакллантириш ва жамоавий иш, стратег қабул қилиш ва стратегик алоқалар муаммоси, нотиклик санъати, бизнес алоқаларидаги маданий ваколатлар, одоб-ахлоқ қоидалари каби қатор мавзуларни қамраб олдилар.

Тренинг иштирокчиларининг фикрига кўра, курс дастури маърузачиларнинг амалий фаолиятдан олинган назарий материаллар ва маълумотларнинг оқилона мувозанатини сақлайди. Курс якунида муваффақиятли таҳсил олган тингловчиларга тантанали равишда сертификатлар топширилди.

Абдулла ЎКТАМҚУЛОВ

Офицерларнинг яна бир ўқув курси якунланди

ЖАРАЁН

ДОИМО ЭЪТИБОРДА

“ Қуролли Кучлар академиясининг «Ташаббус – 2020» номли меҳр-саховат дастури режасига кўра, ушбу олий ҳарбий таълим муассасасининг бир гуруҳ офицерлари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Виолетта Коппекнинг ҳолидан хабар олди.

Меҳрибон аёл, матонатли ва жасур онахон суҳбат жараёнида бугунги дориламон кунлар, Ватанимиз мустақиллигига осонликча эришилмагани, юртимизнинг тинчлигини асраб-авайлаш зарурлиги, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон манфаатлари биринчи даражага қўйилаётганини таъкидлади. Миллий армиямиз қудрати янада юксалаётгани, таълим олиш учун барча зарур шароитлар яратилганини қайд этиб, ёшларга ўз насиҳатларини берди.

– Онахон ҳарбийлар билан суҳбатлашишни хуш кўради, – дейди академиянинг «Техник таъминот» кафедраси катта ўқитувчиси подполковник Баҳодир Қўчқоров. – Аввалги суҳбатларимизда унинг кўни-кўшнилари билан юз кўришиш ва кўчада ўйнаётган жажжи болаларни кузатишни яхши кўришини, аммо кексалиги туфайли имконияти биров чекланганини англаган эдик. Шу боис бу гал онахонни орзусига етиштириш ва дуоларини олиш мақсадида Виолетта Ивановнага кафедрамиз шахсий таркиби номидан ногиронлик аравачаси беғараз совға сифатида топширилди.

“ Мирзо Улуғбек номидаги математика, астрономия, физика, информатика фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида «Янги Ўзбекистон – янги дунёқараш» шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик тадбири ўтказилди.

«Янги Ўзбекистон – янги дунёқараш»

Қуролли Кучлар академияси томонидан Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги вакиллари, «Элобод» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда Ўзбекистон давлат сатира театри актёрлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда дастлаб ўқувчилар чизган расмлар ва қўл меҳнати ёрдамида тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.



Таниқли актёрлар, хонанда ва созанда-лар, умумтаълим мактаби ўқувчилари томонидан ижро этилган бадиий чиқишлар тадбирга янада файз бағишлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши, ўқув муассасалари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун яратилаётган шароит ва имкониятлар хусусида атрофлича маълумот берди.

Шунингдек, Қуролли Кучлар академиясининг кафедра бошлиғи полковник Ўктам Холматов ўқувчи ёшларга Қу-

ролли Кучлар тизимида олиб борилган ислохотлар, хусусан, академияда яратилган шароитлар, ўқув жараёнида замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологиялари, моделлаштириш ва симуляция усулларида фойдаланиб келинаётгани, адабиётларга бой ахборот-ресурс маркази курсантларнинг астойдил ўқиб-ўрганиши учун хизмат қилаётганини таъкидлади. Ҳарбийлар билан самимий суҳбат бўлажак Ватан посбонларида унутилмас таассурот қолдирди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ, «Vatanparvar»

«ВАТАН БАЙРОҒИ – МУҚАДДАС»

“ Шайхонтоҳур туманидаги 299-умумтаълим мактабида ўтказилган «Ватан байроғи – муқаддас» деб номланган ушбу тадбирда ҳарбий хизматчилар, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирок этди.



Муаллиф суратга олган

Тадбирда Қуролли Кучлар академияси бошлиғининг ўринбосари полковник Даврон Усмонов сўзга чиқиб, барчани байрам билан қизғин муборакбод этди. Нутқи давомида мактаб ўқувчиларининг қизиқишидан келиб чиққан ҳолда, Қуролли Кучлар сафига кириш учун нафақат жисмонан, балки маънан етук инсон бўлишлари, бунинг учун кўпроқ китоб ўқиши кераклигини таъкидлади.

Тадбир давомида ўтказилган мушоира Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқларга уланди. Айниқса, курсантларнинг жанговар чиқишлари мактаб ўқувчиларида катта қизиқиш уйғотди.



КЕКСАЛАР ҲАМИША ЭЪВОЗДА

“ Мудофаа вазирлиги тизимида уруш қатнашчилари билан бир қаторда ёши улў кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга амалий ёрдам бериш ишлари мунтазам йўлга қўйилган. Ҳарбийларнинг академик Абдумавлон Абдуллаев ва Галина Абдуллаеваларнинг хонадонига ташрифи ана шундай эзгу ишлар сирасидан.

Кексаларга Қуролли Кучлар академияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва «Ширин ҳаёт» МЧЖ қандолат фирмаси билан ҳамкорликда озик-овқат маҳсулотлари ҳамда ногиронлик аравачаси топширилди.

Қизғин суҳбат чоғида академик Абдумавлон Абдуллаев ҳаёт йўли, илм олишдаги машаққатлар, уруш даври қолдирган хотиралари билан ўртоқлашди. «Нафақат академик, балки оддий фуқаро сифатида шуни айтишим мумкинки, юртимизда олиб борилган ислохотлар, илмга эътибор, айниқса, ёшлар келажаги учун янги ташаббуслар йилдан йилга ортиб бормоқда. Имкониятлардан фақатгина оқилна фойдаланиб, баланд марраларни забт этиш керак», – дейди отахон.

Хонадон эгалари Мудофаа вазирлиги ҳамда ҳамкор ташкилотларга ўз миннатдорлигини изҳор этишди.

Шоҳсанам НИШОНОВА, «Vatanparvar»

1 ДЕКАБРЬ – БУТУНЖАҲОН ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

“ Бугунги кунда сайёраимизда 38 миллиондан кўпроқ инсон ОИВ/ОИТС касаллигидан азият чекмоқда. Уларнинг орасида аёллар ва болаларнинг борлиги янада аянчлидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва UNAIDS ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар соатда дунёда 308 нафар ва бир кунда 7 400 га яқин киши ОИВ инфекциясини юктириб, 5 500 нафар одам ушбу касалликдан вафот этмоқда. Ўзбекистонда бир кунда 10 нафар шахс ОИВ инфекциясини юктириб олмақда.

ОИВ (одамнинг иммунитет танқислиги вируси) инфекциясида одам организмга тушган вирус таъсирига иммунитет тизими маълум даражада жавоб қайтаради, лекин касаллик аломатлари деярли бўлмайди. У фақат лаборатория текширишларида аниқланади. Вирус билан организм ўртасидаги кураш узоқ давом этади ва вируснинг ғалабаси билан яқунланади. Вируснинг организм устидан ғалабаси бошлангандан кейин ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) даври бошланган бўлади. Инфекция юққан дастлабки даврларда одам ўзини соғлом ҳис этиши мумкин. Бундай ҳолда ҳеч қандай аломатларсиз 8-10 йилгача чўзилиши мумкин. Бу даврда одам соғломдек кўринса-да, ўзи билмаган ҳолда ка-

БИР КУНДА 5 500 КИШИ...

саллик вирусини бошқаларга юктириши мумкин.

Вирус инсонга қандай юқади?

- қон орқали;
- жинсий алоқа орқали;
- инфекция юққан онадан ҳомилага.

ОИВ ДАВОСИ БОРМИ?

Инфекция аниқланганда, вирус кўпайишининг олдини олувчи дори воситалари мавжуд ва улар вируснинг кўпайиш тезлигини камайтириб, беморнинг ҳаётини бир неча ўн йилга қадар чўзиб туришга хизмат қилади. Аммо ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини оладиган вакцина ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун шахсий профилактиканинг аҳамияти катта. Глобал миқёсда давом этаётган бу муаммо бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Шу боис, юртимизда маънавий қадриятларимизга зид, келажак авлодлар саломатлигига жиддий раҳна соладиган бундай иллатларга қарши курашиш ва инсон саломатлигини асрашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ИНФЕКЦИЯ ЮҚМАСЛИГИ УЧУН...

Энг аввало, одоб ва ахлоқ чегарасидан чиқмаслик зарур. Шунингдек:

- бир марталик ишлатиладиган шприц ва игнадан;
- тери қопламларига ишлов беришда (маникюр, педикюр, юз терисини тозалаш ва бошқа косметик хизматлар) стерилланган ёки бир марталик ишлатиладиган асбоб ва ускуналардан;

– сартарош хизматига мурожаат қилганда бир марталик ишлатиладиган устаралардан;

- шахсий (индивидуал) тиш ювиш чўткаси ва соқол олиш устарасидан;
- стерилланган тиббиёт асбоб-анжомларидан фойдаланиш;
- қўйиладиган донор қонини доимо ОИВга текшириш;
- ўз оиласига содиқ қолиш, жинсий ҳамроҳнинг доимий бўлиши;
- ўғил болаларни хатна қилдиришда фақатгина мутахассис томонидан шифохонада амалга оширилишини таъминлаш;
- игна билан даволаниш муолажаларини олаётганда игнанинг стерилизациядан ўтказилганлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази мутахассислари ва ҳудудий санитария-эпидемиология бўлиналари мутахассислари томонидан касаллик профилактикаси, яъни ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини ОИВ/ОИТСдан ҳимоялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, тиббий кўриқдан ўтказиш ва касаллик диагностикаси борисда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, ҳозирги кунда юртимизда ОИВ инфекцияси профилактикаси ва даволаш ишларини олиб бориш учун Республика ОИТСга қарши кураш маркази, унинг ҳудудий тузилмалари, диагностика лабораториялари, ишонч хоналари ва дўстона маслаҳат хоналари ҳам фаолият

юримокда. Бундай шифо масканларининг аксарияти аҳоли қатнаши ва маслаҳат олиши учун қулай жойларда жойлашган. Шунингдек, диагностика жараёнида полимер занжирли реакция усуллари билан воситаларидан самарали фойдаланилаётганлиги касалликка эрта ва аниқ ташхис қўйиш, унинг асоратларини камайтириш ва инсон умрини узайтиришга хизмат қилмоқда.

ОИВ инфекцияси профилактикасига йўналтирилган маблағ уни даволашга кетадиган харажатдан бир неча баробар кўп самара беради. Бундай вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасида белгиланган тадбирларда давлат идоралари билан бир қаторда жамоат бирлашмалари, халқаро ташкилотлар, кенг аҳолининг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай тадбирларнинг барчаси инсон ҳаётини асраш, халқимизнинг саломатлигини муҳофазалаш, келажак авлодларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга йўналтирилган.

Инсон саломатлиги ва ҳаётига жиддий таҳдид туғдираётган бу муаммонинг олдини олишда ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ўта муҳим аҳамиятга эга.

Тиббий хизмат подполковниги Б. ТЎРАЕВ, тиббий хизмат майори И. АБДУКАРИМОВ, Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази

ОГОҲЛИК

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

“ Табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, газ оқимининг беҳосдан узилиб қолиши, хона ичида газ тўпланиши, газни ёқиб, қаровсиз қолдириш, иситиш тизимларига газни улашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида портлаш ва ёнғин содир бўлиши ҳамда табиий газ ва ис газларидан захарланиш ҳолатлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар содир бўлиши мумкин. Натижада бу инсонларнинг турли тан жароҳатлари олиши ёки ҳаётдан кўз юмишгача олиб бормоқда.

Энг аввало, мутахассислар томонидан иситиш сув колонкаларига техник хизмат кўрсатилиши, иситиш печлари созлиги ва тутун мўриларнинг дудбурон ва шамоллатиш тизимини кўриқдан ўтказувчи корхоналар томонидан текширилиши керак.

Газ ҳиди чиққанда:

- хонанинг ойна ва деразаларини очиб, шамоллатиш;
- хонадаги электр жиҳозларини ёқмаслик, ёниқ бўлса ўчирмаслик;
- газ жўмақларини беркитиш;
- газни беркитишнинг иложи бўлмаса ёки ёрилган, синган ва тешилган жойлар аниқланса, газ таъминоти авария хизматига хабар бериш лозим.

Биринчи ёрдам

Ис газидан захарланган киши зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқилади. Юзаки нафас олишда ёки нафас олиш тўхтаб қолганда, сунъий нафас олдирилади. Бемор ҳушида бўлса, тананинг юқори қисми қисиб турувчи кийимлардан бўшатилади, иссиқ чой ва қаҳва ичирилади.

Қаерга мурожаат қилиши керак?

- «103» телефон рақами орқали «Тез тиббий ёрдам»га;
- «104» телефон рақами орқали газ таъминоти хизматига;
- «1050» Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг авария-қутқарув хизматига.

Подполковник Зокир КЕНЖАЕВ, Тошкент гарнизони ёнғин назорати инспекцияси бошлиғи

“ Электр токидан енгил зарарланиш одатда майший ва хўжалик турмушда кўп кузатилади. Оғир зарарланиш эса ўлимга олиб келиши ҳам мумкин. Электр токи симлари узилганда, ҳалокат содир бўлганда, симёғоч қулаганда, чақмоқ урганда, ток уриши оғир кўриниш олади. Бунда даставвал жабрланувчини электр токи таъсиридан қутқариш керак. Чунки ток урган киши ҳушидан кетган ёки юқори кучли электр симидан ўзини узиб олишга мажбур етмаслиги мумкин.

ЭЛЕКТР ТОКИДАН ШИКАСТЛАНИШ

Қутқарувчи киши ток урган кишининг баданига қўл теккизмагани маъқул. Агар ток урган киши нафас олмаётган ва унинг томирини ушлаб кўришнинг иложи бўлмаса, беморни зудлик билан шифохонага олиб бориш лозим. Ток урган киши организмда кучли шок ҳолати кечади. Бунда шифокор унга седатив (тинчлантирувчи) препарат ҳамда оксигенотерапия (кислородтерапия)ни амалга оширади.

Шифохонага олиб боргунга қадар ток урган кишига сунъий нафас бериш ва юрагини массаж қилиш керак. Агар жабрланувчининг бадани электр токидан яраланган бўлса, унда ўша жойга стрептоцид ёки пенициллин ёғ упаси суртиб, стерилланган боғлам билан боғлаш лозим. Кўйган жойга калий перманганат қуюқ эритмасини суртса ҳам бўлади.

Ток урган кишини ерга кўмиш қатъиян тақиқланади. Чунки ток урган кишида нафас олиш имкони пайдо бўлганда, тупроқ сиқиб туриши туфайли у кўкрагини керолмайди ва оқибатда нафас олиши қийинлашади. Бу эса унинг ўлимига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Электр токидан шикастланган кишига биринчи тиббий ёрдам кўрсатилганидан кейин уни иложи борица тезлик билан даволаш муассасасига олиб бориш лозим.

Электр уриши (ёки ток уриши деб ҳам юритилади) даражалари:

I – мускуллар кескин қисқариши натижасида одам ток таъсиридан чиқиб кетади ва ҳушини йўқотмайди.

II – мускуллар кескин қисқариши натижасида одам ҳушини йўқотади, аммо юрак ва нафас олиш фаолияти ишлаб туради.

III – ҳушини йўқотиб, нафас олиш тизими ёки юрак уриши тўхтаб қолади.

IV – клиник ўлим ҳолати, бунда инсонда ҳеч қандай тириклик аломатлари кўринмай қолади.

Ўзингизни эҳтиёт қилинг, азизлар!

Подполковник Улуғбек ТАШМУРАДОВ, Тошкент ҳарбий округи давлат техник назорати ва техника хавфсизлиги бўлими бошлиғи



ИСКАНДАР ЗУЛҚАРНАЙН ВА АЛЕКСАНДР МАКЕДОНСКИЙ

Улар бир шахс бўлганми ёки йўқ? Муқаддас Қуръони Каримда зикр этилган Зулқарнайннинг македониялик Александрга қанчалик алоқаси бор? Бу масалада дунё олимлари турлича қарашлар, фаразлар ва хулосаларни билдиришади. Бир тоифа ҳар иккиси бир шахс деса, иккинчи тоифа мутлақо икки шахс, дейди. Учинчи тоифа олимлар бетараф

қолиб, бу масалага ечими йўқ муаммо сингари қарашади.

Искандар Зулқарнайн ислом оламида улуғ мусулмон, баъзи уламолар фикрига кўра, пайғамбар даражасида эътироф этилади. Македониялик Александр бўлса, мушрик бўлганлиги, бутларга, юлдузларга сифинганлиги айтилади. У Исо алайҳиссалом туғилишларига яқин даврда, Искандар Зулқарнайн бўлса, Иброҳим алайҳиссалом даврларида яшаган дейилади ва бунга мисоллар ҳам келтирилади. Масалан, тафсирларда икки Искандар ҳақида шундай дейилади.

Зулқарнайн Байтуллоҳни Иброҳим (а.с.) билан бирга тавоф қилишган, вазир-

лари Ҳизр (а.с.) бўлган. Искандар Мақдунийнинг вазири эса Арасту бўлган ва милоддан тахминан 300 йил олдин ҳукмронлик қилган. Қуръондаги Зулқарнайн Иброҳим (а.с.) замонларида яшаган.

Зулқарнайн солиҳ киши, одил подшоҳ бўлган, пайғамбар бўлмаган. Баъзилар Иброҳим (а.с.) замонларида яшаган ва Иброҳим (а.с.) қўлларида Исломга кирган дейишади. У Искандария шаҳрини қурган Искандар Мақдуний эмас. Чунки у мушрик бўлган ва Зулқарнайндан анча кейин яшаган.

Баъзилар: «Қиссадаги Зулқарнайндан мурод македониялик Искандар» дейишган. Бу гап умуман нотўғри, чунки у мушрик одам бўлган, бутларга, юлдузларга сифинган. Македониялик Искандарнинг номи Александр Македонский бўлиб, тахминан милоддан 330 йил олдин ўтган ва Арастунинг шогирди бўлган.

Қомусий олим Абу Райҳон Беруний 27 ёшида ёзиб тугаллаган «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» деб номланган бебаҳо асариде бу муаммага алоҳида тўхталган. Аллома асарнинг «Зулқарнайн номини олган подшоҳнинг кимлигини аниқлашда турли миллатларнинг ихтилофлари устида сўз» деб номланган бобида тўплаган маълумотлари асосидаги кузатув ва хулосаларини шундай баён этади. Минг йил аввалги мулоҳазалар бугунги зукко ўқувчи учун кўп маъноларни аниқлашга ажаб эмас.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

«Зулқарнайн номини олган подшоҳнинг кимлигини аниқлашда турли миллатларнинг ихтилофлари устида сўз»

Бу исм, яъни Зулқарнайн деб аталган исм билан боғлиқ подшоҳ воқеасини алоҳида ҳикоя қилмай чора йўқ, чунки тарих ҳақида гапираётганимда, бу ҳикоя кирса, тарихлар баён этилаётган тартибни кесиб қўярга эди.

Гап шуки, Зулқарнайн хабарларига оид оятларни тиловат қилган кишига унинг Қуръонда ҳикоя қилинган қиссалари маълум ва равшандир. У оятлар мазмунича, Зулқарнайн солиҳ ва қувватли киши бўлган. Худо унга улуғ подшоҳлик ва қувват бериб, уни кун чиқиш ва кун ботиш томонларидаги шаҳарларни фатҳ этиш, мамлакатларга эга бўлиш, халқларни бўйсундириш ва Ер юзи подшоҳлигини бир қўлга йиғиш мақсадларига етказган. Худо унга шимолда зулмат подшоҳлигига қадам қўйиш, халқлар яшайдиган жойларнинг энг узок ерларигача бориб кўриш, одамлар ва «наснос»лар (*араб манбаларида тасвир этилган ярим маймун, ярим одам шаклидаги махлуклар*) билан жанг қилиш, ернинг кун чиқиш ва шимол томонларида Яъжуж ва Маъжужнинг ўз жойларига яқин мамлакатларга чиқишларига тўсқинлик қилиб, ҳужумларини қайтариш ва зарарларини даф қилиш, хунармандлар ишларида кўрилганидек, темир парчаларни эритилган мис билан бириктириб, уларнинг чиқадиган горларига тўсиқ ясаш имконини берди.

Юнонлик Искандар ибн Филиф бир қанча мулкларга бўлинган Рум подшоҳлигини қўлга олган, ал-Мағриб томондаги подшоҳларга қарши юриш қилиб, уларни забт этди. Яна олдинга босиб, (*Атлантика океани*) кўк денгизгача етиб борди.



Кейин Мисрга қайтди. Искандария шаҳрини бино этди ва уни ўз номи билан атади. Сўнгра Шом ва ундаги бани исроиллардан бўлган кишилар томон йўл олди. Байтулмуқаддасга келиб, унинг қурбонгоҳида жонлик сўйиб, қурбонликлар қилди. Кейин Арманистон ва (*Догистоннинг Дарбанд шаҳри яқинидаги дара*) Боб ал-Абвобга бориб, у ерлардан ҳам ўтиб кетди. Қибтийлар, барбарлар ва яхудийлар унга бўйсунди. Сўнгра у Бухтанассар ва Бобил аҳолисининг Шом мамлакатига тўкилган қонларининг ўчини олиш учун (*Аҳамонийлар сулоласининг охириги подшоҳи*) Доро ибн Доро томонга отланди. У билан жанг қилиб, бир неча марта уни мағлубиятга учратди ва шу жангларнинг бирида ўз посбонларининг бошлиғи Навжусанас ибн Озарбахт Дорони ўлдирди ва Искандар Эрон мамлакатини эгаллади. Кейин Ҳиндистон ва Хитойга юриш қилди, узок ерлардаги миллатлар билан жанг қилди. Қаердан ўтса, ғалаба қозонди. Сўнгра Хуросонга қайтиб, у ерни ҳам эгаллади ва шаҳарлар бино қилди. Бундан Ироққа қайтди. (*Курдистон шаҳри*) Шахризурда касал бўлиб, шу ерда вафот этди. Унинг барча мақсадлари илм ва ҳикматга асосланиб, ўз муаллими Арасту маслаҳати билан иш қилар эди. Шу айтилганлар сабабли у Зулқарнайндир, дейдилар.

Баъзилар Искандар куёшининг икки «шоҳи»га, яъни кун чиқиш ва кун ботиш томонларига боргани сабабли бу лақабини олди, деб изоҳлаган. Чунинчи (*подшоҳ*) Ардашер Баҳманнинг фармони нуфузли, истаган жойига етиб борадиган бўлганидан «қўли узун» лақабини олган эди.

Бошқалар Искандар икки наслдан, Рум ва эронликдан туғилгани учун бу лақабини олди, деб тавсиф этиб, бу ҳақда эронликларнинг «бир душманининг ўз душманига қилган иши» деган мана шу уйдирма ҳикояларига асосландилар: Катта Доро Искандарнинг онасига уйланган, бу Филифнинг қизи эди. Доро у қизда ёмон бир хид сезиб, уни отасига қайтарган. Қиз Дородан ҳомиладор бўлган экан. Искандарни Филиф тарбия қилган, шунинг учун у Искандар ибн Филиф деб насабланган. Эронликлар ўз ҳикояларига Доро жон талашаётган вақтда Искандар унинг бошини тиззасига олиб айтган гапини далил келтирганлар: «Эй биродар, ким сенга бундай иш қилди? Уни менга айт, ундан сенинг ўчингни олай!» У Дорога меҳрибонлик кўрса-



тиш ва уни ўзи билан тенг тутиш учун унга шундай хитоб қилган. Чунки унга подшоҳ деб хитоб этиш ёки отини айтиб чақириб, подшоҳларга лойиқ бўлмайдиган жафо қилиш мумкин эмас эди.

Лекин душманлар ҳамиша насабларга таъна қилиш, номусларни ерга уриш, турли уйдирма гаплар тарқатишга уринадилар. Шунингдек, дўстлар ва хайрихоҳлик қилувчилар ёмонни яхши қилиб кўрсатишга, халал етадиганни тўсишга, гўзалликни изҳор этишга ва яхшиликларга нисбат беришга тиришадилар. Масалан, мана бу байтни айтган киши у икки гуруҳ сифатини кўрсатган:

Розилик кўзи ҳеч бир айбни кўрмайди.

Лекин норозилик кўзи барча айбларни

ошкор қилади.

...Одамларнинг ёқтирган кишилари тарафини олиб, ёмон кўрган кишиларига таъна уришлари ва бу икки хил тушунчада баъзан ҳаддан ошиб кетишлари даъволарида шармандалиқларга сабаб бўлганидан насаб ҳақида гапириб ўтдим.

Искандарнинг Филиф ўғли экани яширин эмас, жуда равшандир. Филифнинг келиб чиқиши эса насаб билимдонларининг айтишларича, мана бундай: Филиф ибн Мазрабу ибн Ҳирмис ибн Ҳарзас ибн Майтун ибн Румий ибн Лайтий ибн Юнон ибн Ёфис ибн Сухун ибн Румия ибн Бизант ибн Түфил ибн Румий ибн ал-Асфар ибн Алифаз ибн ал-Ийс ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссаломдир.

Баъзиларнинг айтишича, Зулқарнайн Атракис исми бир киши бўлган. У Бобил подшоҳларидан бири Сомирусга қарши чиқиб, у билан жанг қилган. Ниҳоят, ғалаба қозониб, уни ўлдирган ва калласининг терисини сочи ҳамда иккита кокили билан биргаликда шилдириб олган. Бу терини ошлатиб, ўзига тож қилган. Шу сабабдан Зулқарнайн деб лақабланган.

Зулқарнайн – Мунзир ибн Моуссамодир. Мунзир ибн Моуссамо эса Мунзир ибн Имруулқайдир деган фикрлар ҳам бор.

Бу исм эгаси ҳақида ажойиб эътиқодлар яра-





тилик, унинг онаси жинлардан эди, дейилади. Билқис ҳақида ҳам шундай эътиқод қилишиб, унинг онаси жинлардан эди дейишган. Найрангбоз Абдуллоҳ ибн Хилол ҳақида эса у иблис қизини хотинликка олган, дейдилар. Шундай масхара ва кулгили машҳур ҳикоялар кўп.

Умар ибн ал-Хаттобдан шундай ҳикоя қилинади: у бир гуруҳ кишиларнинг Зулқарнайн ҳақида жуда гапга тушиб кетганларини эшитиб: «Инсонлар ҳақида гапиришувингиз кифоя қилмай, фаришталар ҳақида гапиришга ўтдингизми?» деган.

Баъзилар Зулқарнайн – Саъб ибн Ҳаммол Ҳимярийдир дейдилар. Буни *(араб тилшуноси)* ибн Дурайд «Китоб ал-Виждоҳ»да баён этган. Яна бирлари Зулқарнайн – Абу Кариб Шаммар Юрбий ибн Ифрикий Ҳимярийдир, у икки елкасига тушиб турган иккита кокили сабабли шу исм билан аталган. У ернинг кун чиқиш ва кун ботиш томонларига етиб борган, шимол ва жануб томонларни кезган, мамлакатларни фатҳ этиб, халқларни ўзига бўйсундирган. Яман подшоҳларининг бири бўлган Асад ибн Амр ибн Рабия ибн Молик ибн Субайх ибн Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Ёсир ибн Танъум ал-Ҳимярий ўз шеърда Зулқарнайн билан фахрланиб шундай дейди:

Зулқарнайн мендан илгари мусулмон, Ер юзини эгаллаган, ҳеч кимга бўйсунмаган подшоҳ бўлган.

У карамли ва ҳурматли худодан подшоҳлик воситаларини сўраб, Машрик ва Мағриб томонларига етиб борган.

Қуёшнинг ботадиган жойини – қора балчиқли булоққа ва қора ботқоққа ботаётган вақтида – кўрган.

Зулқарнайндан олдин аммам Билқис бор эди, ниҳоят унинг подшоҳлиги попишак туфайли тугади.

Шу сўзлар орасида охиргиси тўғрига ўхшайди. Чунки «зу» лақабли кишилар фақат Яманда бўлиб, бошқа жойларда учрамаган. Уларнинг исмлари «зу» лафзидан холи эмас эди. Масалан, Зулманор, Зулаъзор, Зушанотир, Зунувос, Зужадан, Зуязан ва бошқалар. Шу билан бирга Зулқарнайн хабарлари Қуръондаги у ҳақда айтилган ҳикояга ўхшайди. Аммо икки тўғон ўртасига қурилган тўсиққа келсак, у ернинг қайси жойда эканини Қуръондаги қиссанинг зоҳир иборати аниқ кўрсатмайди.

Мамлакатлар ва шаҳарлар ҳақида гапирадиган китоблар, чунончи «Жуғрофия» ва «Йўллар ва давлатлар ҳақида китоб»лари у миллат, яъни Яъжуж ва Маъжужни, бешинчи ва олтинчи иқлимда яшовчи Шарқ туркларидан бир синф деб кўрсатган. Шу билан бирга Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий ўзининг «Тарих» китобида ҳикоя қилишича, Озарбайжон ҳукмдори у ерни фатҳ этган кунларида ҳазар томонидан бир одамни ўша тўсиқ олдига юборган. У одам бориб тўсиқни кўрган ва уни пишиқ ва маҳкам хандақнинг нариги томонига жойлашган улкан, баланд, қора бино экан, деб тавсиф қилган.

Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдодбих халифа саройидаги бир таржимондан ҳикоя этишича, *(аббосий халифа)* ал-Мутаъсим тушида ўша тўсиқнинг фатҳ этилганини кўрган ва бориб кўришлари учун эллик кишини у ерга юборган. У кишилар Боб ал-Абвоб, Лон ва Ҳазар йўли билан юриб, тўсиққа етиб борганлар. Тўсиқнинг темир парчалардан ишланиб, эритилган мис билан маҳкам қилингани, унинг қулфланган дарвозаси борлиги ва у ерга яқин шаҳарлар аҳолиси уни кўриқлаб туришларини кўрганлар. Қайтишларида йўл бошловчи уларни Самарқанд рўпарасидаги жойларга олиб чиққан.

Бу икки хабар тўсиқнинг одамлар яшайдиган ернинг шимоли-ғарбий чорагида бўлганини тақозо этади. Айниқса, бу кейинги қиссада инониб бўлмайдиган мана шундай гаплар бор: у мамлакатлар аҳолиси ернинг одамлар яшайдиган қисмидан узилиб қолган, бу қисм билан улар орасида анча кун юриладиган қора, бадбўй тупроқли ер бўлса ҳам улар ислом динидалар ва араб тилида гапиришадилар. Улар халифа ва халифалик мартабасини, халифа ким ва у қандай киши эканини билмайдилар. Ислом мамлакатларидан узилиб, ислом динида бўлган булғор ва савордан бошқа бирор миллат борлигини биз билмаймиз. Улар ернинг одамлар яшайдиган қисми узилишининг яқинида ва еттинчи иқлимнинг охирида турадилар. Яна улар шу тўсиқ ҳақида ҳеч гапирмайдилар. Халифалик мартабасини ва халифаларни билдилар ва улар номига хутба ўқийдилар. Арабча сўзлашмайдилар, балки туркча ва ҳазарча аралаш бир тилда гапиришадилар. Бу қисса гувоҳлари шундай бўлгач, улар орқали ҳақиқатни билишни умид қилиб бўлмайди.

Мен хабар бермоқчи бўлган Зулқарнайн қиссаси ана шу. Яна худо донорқдир.

«Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарининг Тошкент шаҳрида 1968 йил «Фан» нашриётида чоп этилган нашри асосида Ф. ЭРГАШЕВ тайёрлади.

ЖАСОРАТ ЛАВҲАЛАРИ

ШАРҚЛИК ЁН БИР ҚАҲРАМОН (ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ)

“ 1942 йил. Иккинчи жаҳон урушининг оловли дамлари. Сталинградни немис фашистларидан ҳимоя қилиш учун қақшатқич жанглар кетмоқда. Ўзбекистондан ва Урта Осиё ҳарбий округидан юборилган бир неча юз минглаб жангчиларнинг кўплари Сталинград остоналарида жанг қилмоқдалар.

Дон дарёсининг ўнг соҳилидаги бир парча ерга Олий Бош қўмондонлик қароргоҳи жуда катта аҳамият берган. Яъни шу жойдан Сталинград жангининг ҳал қилувчи босқичи бошланиши керак деб ҳисобланарди. Чўлда гумбазига бўр суртиб қўйилгандек оппоқ бўлиб кўринадиган бу тепалик ҳеч қандай ном билан аталмаган. Фронт карталарида ҳарбий-часига белгилаб, устига 115,2 рақами ёзиб қўйилганди.

1942 йилнинг сентябрь оyi. 76-ўқчи дивизияга қарашли батальонга Староклетск тумани ва 115,2 белгили тепаликни эгаллаш вазифаси юкланди. Тепаликка фашистлар мустаҳкам ўрнашиб олган, пулемётдан тинимсиз ўқ ёмғири ёғдирарди. Батальон взводи жангчилари маҳсус тепалик томон олти соат эмаклаб боришди. Абдурахмон биринчи бўлиб душман тепаликка ўрнатган бетон тешички граната ташлашга муваффақ бўлди. Ўртадаги қаттиқ олишувдан сўнг, жанг муваффақиятли якунланди, маҳсус тепалик қўлга киритилди. Лекин взвод ҳам катта талафот кўрди. Бор-йўғи ўн икки жангчи омон қолди. Улардан бири асирларни полк штабига топшириш учун йўлга тушди. Бироқ ортга қайтмади, чамаси, штабгача етиб боролмаган.

Ўн бир жангчини яна бир катта синов кутаётганди. Яъни катта йўқотиш эвазига қўлга киритилган тепаликни сақлаб қолиш. Фашистлар бундай қулай таянч нуқтани қўлдан бой берилганига чидай олмасди, ишона олмасди. Қўмондонлик лейтенант Михаил Кабрибов бошчилигидаги бу гуруҳга тепаликни ҳимоя қилишга топшириқ берди. Улар ўн бир нафар эди. Тўққиз нафари ўзбек, бири қозоқ ва бир нафари озарбайжон.

Душман уларга қарши тўхтовсиз ҳужум бошлади. Бироқ довурак жангчилар тепалик истеҳкомида мардона тургани сабаб, фашистлар мақсадига эриша олмасди. Ёрдамчи куч қачон етиб келиши номаълум. Улар икки кун қаттиқ жанг билан тепаликни сақлаб турдилар. Учунчи кун жуда оғир кечди. Душман кун давомида ўн бир марта ҳужум уюштирди. Фашистлар ўн иккинчи ҳужумида уч юз нафар гитлерчи билан ҳамла қилди. Ўн бир нафар жангчига уч юз фашист... Кеч соат еттиларда бошланган бу ҳужум йигитларимиз учун охиргиси бўлди. Босқинчиларнинг пиёда қўшинлари танклар мададида улар томон ёпирилиб келарди. Лейтенант Кабрибов сафдошларига мурожаат қилди:

– Йигитлар, жангга тайёрланинг! Ўлсак ўламыз, лекин чекинмаймиз!

– Сўнгги томчи қонимиз қолгунча жанг қиламыз!..

Ўн бир ватанпарвар бир-бирларига сўз берди. Улар бу олишувда кучлар тенг эмаслиги, ўлим муқаррар эканлигини билиб турсалар-да, сўнгги нафасгача жанг қилишга аҳд қилишди.

– Ҳаммаёқни тутун ва чанг қоплаганди, – тасодиф туфайли омон қолган Кабрибов ушбу жанг тафсилотларини куйидагича ёдга олганди. – Бобоёр Ғаффоровнинг пулемёт стволни қизиби чўғ бўлиб кетди. Абдурахмон ҳам шошилмай ўзини йўқотмасдан ўқ узарди. Фашистлар эса тобора бостириб келаётганди. Ҳали у, ҳали бу жангчидан «командир, патронлар тугади», деган сўзларни эшитардим. Ғаффоровнинг пулемёти бирдан тиниб қолди.

Қарасам, жанговар дўстим оғир яраланиб қонга беланган, аммо қуролини маҳкам тутиб турарди. Душман жуда яқинлашиб қолди. Қора тутун орасида уларнинг шарпаларини кўриш мумкин эди. Пулемёт ва милтиқлардан баравар ўт очдик. Душман тутдек тўкилди. Аммо биз ҳам сийраклашиб қолдик. «Афсус, Берлингача боролмадим», шивирлади қон йўқотаётган Худойкул. Унинг устига шинелимни ечиб, ёпиб қўйдим. Ҳужжатларим, уйдан келган хатлар шу шинелда эди. Чамаси, кейин уни топиб олишган-у, мен ҳам ҳалок бўлганлар сафига қўшилганман.

«Ўлиб тирилган» гуруҳ командири жангнинг сўнгги дақиқаларини сира ёдидан чиқармайди.

– «Ватан учун олға!» гуруҳ жангчиларига сўнгги буйруқни бериб, найзабозлик жангини бошладим. Оппоқ тепалик қип-қизил қондан сирпанчиқ бўлиб кетганди. Оёқда туриш амри маҳол. Арслонюрак йигитлар ўлимга тик бориб, ақл бовар қилмас қаҳрамонликлар кўрсатишарди. Улар фашистлар отган узун дастали гранаталарни илиб олиб, шу заҳоти душманнинг ўзи томон ирғитарди. Босқинчи галалар эса тугамасди. Кўксимга нимадир зарб билан урилди. Хотирамда қолган охирги лаҳза ҳамон кўз олдимдан кетмайди: ғазабдан ёниб кетган жангчи Комил Хузин найзасига фашистни илиб олган, у даҳшат билан қичқирарди...

Бир неча соатдан кейин ёрдамга келган батальон жангчилари фашистларни суриб, тепаликка бостириб кирди. Улар бу ерда даҳшатли манзарага дуч келишди. Тепаликдаги ҳар бир жангчи ўн-ўн бештадан душман аскарини ўлдирган эди. Шарқнинг ўн бир фарзанди тепалик бўсағасида фашистларнинг йўлини тўсиб, қисмларимизга душманни улоқтириб ташлашга имкон яратганди.

Жангчиларимиз ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг жасадларини қидириб юрганларида, инграган овоз эшитилди. Бу Бобоёр Ғаффоров эди. Ботир пулемётчи мисли кўрилмаган бу жангни ўртоқларига имкон қадар сўзлаб берди.

– Биз душманни бу томонга ўтказмадик, – деди у шивирлаб. Бу қаҳрамонларча жон таслим қилган йигитнинг сўнгги сўзи эди. Жангчилар ҳалок бўлган шарқлик баҳодирларнинг жасадларини кўмдилар. Уларнинг бошларини Шарққа – серқуёш мамлакатга қаратиб кўмдилар. Ўн саккиз ёшида шон-шўхратга тўлганларни, чимилдиқ кўрмай, севган ёрининг сочини силамай, фарзанд кулгисини эшитмай, очилмай ҳазон бўлганларни кўмдилар...

Бутун фронт бўйлаб тилдан тилга ўтган бу шиддатли жанг тафсилоти, мислсиз қаҳрамонлик тарих саҳифасига муҳрланди. Уруш тугаганидан кейин бу жойга «Шарқлик ўн бир қаҳрамон тепалиги» номи берилди. Уларнинг азиз номлари мармар лавҳаларга битилди.

**Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»**

Мудофаа вазирлиги Молия-иқтисод бош бошқармаси жамоаси Мудофаа вазирлиги фахрийси, захирадаги подполковник **Фарҳод МАЖИДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)



“ 2012 йил бошида Осиё Олимпия кенгаши (ООК) президенти Шейх Аҳмад аль-Фахад аль-Сабах юртимизга ташриф буюриб, Ўзбекистон спортчиларининг XXX ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриш дастури билан танишди. Бу масалага юртимизда давлат томонидан катта эътибор берилётгани, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида мамлакатимизда улкан ишлар амалга ошириляётгани меҳмонда катта таассурот уйғотди. 2011 йилги мавсумда Ўзбекистон спортчилари 253 та халқаро мусобақада иштирок этиб, жами 789 та медални қўлга киритганини меҳмон юқори баҳолади. Уша медалларнинг 202 таси (76 та олтин, 59 та кумуш, 67 та бронза) Марказий ҳарбий спорт клуби (МҲСК) аъзолари томонидан қўлга киритилганди.

АРМИЯ СПОРТЧИЛАРИ УЧУН 2012 ЙИЛГИ МАВСУМ

2012 йилнинг 29 июль куни Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида XXX ёзги Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. 208 мамлакатнинг энг кучли спортчилари ўз юрти байроғи остида майдонда чиқиб келишди. Ватанимиз байроғини армиямиз боксчиси катта лейтенант Элшод Расулов баланд кўтарган ҳолда юртимизнинг 56 нафар, жумладан МҲСКнинг 22 нафар вакилини сардор сифатида майдонга бошлаб чиқди. Мусобақалар якунидаги «Лондон – 2012» қайдномасида Ўзбекистон Олимпия жамоаси жами 4 та (битта олтин, 3 та бронза) медал билан 47-ўринда қайд этилди. Бу медалларнинг ярми армия спортчиларига тегишли бўлди – катта лейтенант Ришод Собиров дзюдо, катта лейтенант Аббос Атоев бокс бўйича баҳсларда бронза медални қўлга киритди. Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) томонидан 2011 йилги мавсум якунларига кўра, «Замонамизнинг энг кучли дзюдо устаси», деб эълон қилинган Ришод Собиров 60 кг вазн тоифасида XXX ёзги Олимпиада ўйинларининг олтин медалига лойиқ эди. Лекин йил давомида «Мастерс», «Катта дубулға», «Гран-при» туркумига кирувчи йирик турнирларнинг ғолиби ва совриндори бўлган дзюдочимиздан Олимпиадада бироз омад юз ўгирди. Шунингдек, Лондонда бронза медалга сазовор бўлган боксчимиз катта лейтенант Аббос Атоевдан ҳам юқори натижа кутган эдик. Нима ҳам дердик, бу спорт, майдондаги баҳслар мобайнида ҳар нарса бўлиши мумкин ва у кутилмаган натижалари билан қизқарли.

Мухлислар МҲСКнинг яна бир дзюдочиси – кичик сержант Рамзиддин Сайидовнинг ҳам Лондондан совриндор бўлиб қайтишини кутишганди. Йилнинг биринчи ярмида «Катта дубулға» туркумига кирувчи «Париж – 2012» халқаро турнирининг бронза, Россияда бўлиб ўтган шундай турнирнинг олтин медалини қўлга киритган, шунингдек пойтахтимиз мезбонлик қилган қитъа биринчилигида чемпион бўлган МҲСК вакили Лондондан ҳам бронза медал билан қайтиши учун 20 сония кўплик қилди. У германиялик Димитри Петерсуга қарши бронза медал учун кечган беллашув якунланишига атиги 20 сония

икки нафар боксчиси каби Лондондан бронза медал билан қайтди. Юртимиз спортчиларидан яна 14 нафари кичик сержант Рамзиддин Сайидов каби XXX ёзги Олимпиада ўйинлари медалини қўлга киритишга жуда яқин борди.

ТҲЙЛАР МУБОРАК! Ёхуд мавсумда минглик доvon забт этилгани хусусида

Ҳар мавсум поёнида МҲСКга бориб, умумий натижаларни олиш ва яқинлашаётган 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни байрами арафасида клубнинг йиллик муваффақиятлари хусусида мақола тайёрлаш биз, спорт журналистлари учун одатга айланган. 2012 йилги мавсум поёнида биз армия спорт клубига ҳазиломуз хиргойи билан кириб бордик: «Тўйла-а-а-р муборак, кўргони келдик...» Ҳазиломуз хиргойимиз моҳиятини клубдагилар дарҳол англашди – бир-биримизни яқинлашаётган байрам билан қутлар эканмиз, муваффақиятларни қайд этиб борувчи ходим ҳозиржавоблик қилди: «МҲСКнинг тўёнаси зўр, қўлга киритилган медаллар ҳар йилгидан кўп, 2012 йилги мавсумда минглик доvon забт этилди!» Бизнинг хиргойимиз моҳияти ҳам «Жами медаллар мингтадан ошдим, шуни билгани келдик»ка қаратилганди.

Спортда мураббийлар, спортчилар ҳамда соҳага мутасаддилар меҳнати, амалга ошириляётган ишлар кўлами ва сифатини билиб олиш унчалик мушкул иш эмас, уни баҳслар майдонида қайд этилган натижалар, жамоа ёки клуб вакиллари томонидан қўлга киритилган медаллар, совринлар даражаси орқали ҳам тахмин қилиш, билиб олиш

қолганга қадар ўз устунлигини сақлаб турди. Афсуски, жисмонан толиққан ва бироз хотиржамликка берилган полвонимиз сўнгги сонияларда икки «вазари» баҳоси эвазига бронза медални қўлга киритиш имкониятини қўлдан бой берди ва XXX ёзги Олимпиада ўйинларида фахрли 5-ўринни эгаллади.

Дунёнинг энг нуфузли мусобақасида 44 марта жаҳон ва 56 марта Олимпиада рекорди янгиланди. Эркин курашчимиз Артур Таймазов фаолияти давомида учинчи марта Олимпия чемпиони бўлди. Эркин курашчимиз Сослан Тигиев ҳам МҲСКнинг





мумкин. Халқаро аренада ҳам шундай – мураббийлар ва соҳага мутасаддиларнинг меҳнатига уларнинг қўл остидаги спортчилар ёки жамоанинг баҳслар майдонида эришган натижаларига қараб баҳо берилади. МҲСК вакиллари 2012 йилги спорт мавсумида мамлакат биринчиликлари ва кубок баҳслари, халқаро мусобақалар, қитъа ва жаҳон чемпионатлари ҳамда XXX ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиб, 469 та олтин, 320 та кумуш, 303 та бронза, жами 1 092 та медални қўлга киритишди. Юртимиз спорт мухлислари миллий армиямиз шарафи улуғланганига мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақалар мобайнида минг мартадан ортиқ равишда шоҳид бўлишди.

Армия спортчиларининг 2012 йилги спорт мавсумида эришган муваффақиятларини аввалги йиллардаги ютуқларига қиёслаб, клуб фаолиятида тобора ўсиш, олға силжиш мавжудлигига амин бўласиз. МҲСК аъзолари 2012 йилги спорт мавсумида 2011 йилдагига нисбатан 154 та, 2010 йилдагига нисбатан 241 та кўп медал жамғаргани ҳам шундан шоҳидлик беради. Клуб спортчилари маҳоратида ҳам ўсиш кузатилди. Хусусан, 2012 йилда клубнинг бир нафар вакили (*кичик сержант Юлия Тарасова, энгил атлетика*) «хизмат кўрсатган спортчи», 5 нафари «спорт устаси», 10 нафари «спорт усталигига номзод»лик меъёрларини бажарди.

МҲСКнинг халқаро майдонда эришган муваффақиятлари салмоғи ҳам аввалги йиллардагидан юқорироқ бўлди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоиз, халқаро майдондаги муваффақиятларнинг катта-кичиги бўлмади, хоҳ у рингда, теннис корти ёки гилам устидаги баҳсларда қўлга киритилган бўлсин, хоҳ у қитъа ёки дунё миқёсидаги мусобақада эришилган бўлсин. **Барча ютуқлар Ватанимиз шон-шавкати ва нуфузи учун, қолаверса спортсевар халқимиз, мухлислар, айниқса, ўсиб келаятган ёш авлод қалбида ватанпарварлик, фахр ва ғурур, юртга садоқат туйғуларини шакллантириш учун хизмат қилади.** Халқаро аренада эришилган муваффақиятлар спортчиларнинг ўзлари учун ҳам ўта муҳим ва қадрли. Чунки ғолибликка интилиш, ўзига бўлган ишонч туйғуларини шаклланишида айнан мана шу зафарлар муҳим аҳамият касб этади. Келажакдаги спорт билан боғлашга қарор қилган ёш авлод эса мазкур ғалабалар руҳи билан майдонга чиқади ва юксак марралар сари интилади. Шу боис МҲСК полвонларию энгил атлетикачилари, боксчиларию теннисчилари қўлга киритган зафарлар ва умуман, халқаро майдонда 16 та спорт тури бўйича эришилган 222 та муваффақиятнинг барчаси бирдек қадрли.

Ўзбекистон ўсмирлар, ёшлар ҳамда миллий терма жамоалари таркибида дунё ва қитъа миқёсидаги турли даражадаги мусобақаларда иштирок этган армия спортчилари юртимизга 87 та олтин, 64 та кумуш, 71 та бронза, жами 222 та медал билан қайтишди. Ваҳоланки, 2011 йилда бу кўрсаткичлар 76 та олтин, 59 та кумуш, 67 та бронза, жами 202 тани, 2010 йилда эса бундан ҳам кам – 56 та олтин, 40 та кумуш, 46 та бронза, жами 142 тани ташкил этганди. Мазкур таққослашдан келиб чиқадиган хулоса ҳам 2012 йилги спорт мавсуми армия спортчилари учун самарали кечганлигини кўрсатади. Албатта, бу натижаларнинг барчаси таққослаш учун оддий сон ва рақамлар, лекин уларнинг замирида спортчи ва мураббийларнинг Ватан, эл-юрт шон-шавкатини улуғлаш учун қилган тинимсиз ҳамда машаққатли меҳнати,

мига топширилди. Зотан, дзюдочилар 2012 йилда ўтказилган XXX ёзги Олимпиада ўйинлари, «Мастерс», «Катта дубулға», «Гран-при» туркумига кирувчи нуфузли халқаро турнирлар, қитъа чемпионати ва жаҳон кубоги баҳсларининг 9 та олтин, 6 та кумуш, 17 та бронза, жами 33 та медалини қўлга киритишди.

2012 йилги мавсумнинг энг фаол спортчилари ҳақида сўз кетганда велоспортчи Абдулла Акбаров, теннисчилар Камола Умарова ва Арина Фолц, боксчилар Жасурбек Латипов ва Хуршид Тожибоев, дзюдочи Яхё Имомов, энгил атлетикачилар кичик сержант Юлия Тарасова, Елена Смольянова, Артём Дятлов, оғир атлетикачи Азамат Шарипов, байдарка ва каноэчи Вячеслав Горннинг муваффақиятларини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Бу спортчилар халқаро майдонда нафақат бир марта зафар қозонишди, балки мавсум давомида ғолиблигини икки-уч мартадан такрорлашди. Хусусан, оғир атлетикачи Азамат Шарипов Улан-Баторда ўтказилган Осиё кубоги баҳсларидан 3 та олтин медал билан қайтди, велоспортчи Абдулла Акбаров эса иккита халқаро турнирда ғолиб чиққан ташқари бошқа мусобақаларда кумуш ва бронза медалларни ҳам қўлга киритди.

2012 йил мамлакатимизда жаҳон андазадаги даражасидаги ажойиб спорт маскани – Самарқанд эшак эшиш канали қуриб, фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан юртимизда бўлган Халқаро академик эшак эшиш федерацияси вакиллари Майк Таннер ва Роландас Казлаускас ҳамда Осиё академик эшак эшиш федерацияси бош қотиби Кен Ли Самарқандда амалга оширилган ишларни халқаро талабларга тўлиқ жавоб беришини, бу ерда дунё миқёсидаги мусобақаларни ҳам ўтказиш мумкинлигини эътироф этишди. 2012 йил ушбу спорт масканида «Самарқанд юлдузлари» деб номланган илк халқаро турнир ҳам ўтказилди. Франция, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Венесуэла, Қозоғистон каби давлатларнинг 200 нафардан ортиқ байдарка ва каноэчилари иштирокидаги мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари, жумладан армиямиз спортчилари юқори натижалар кўрсатишди.

Ватан тақдирини устувор билган ва шу йўлда жон фидо қилган юртининг асл фарзандларини халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Уларнинг тинчлик ва осойишталикни сақлаш йўлидаги жасоратли хизматлари йиллар ўтса-да авлодларга намуна бўлиб қолаверади. 2012 йилда пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтказилган қўл жанги бўйича халқаро турнир эл-юрт осойишталиги учун курашган, юртимиз тинчлигини сақлаш йўлида мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган, ўз ҳарбий хизмат бурчини адо этиш пайтида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига бағишланди. **«Ватанпарвар, ўз юртига садоқатли инсонлар бор экан, мамлакатимиз мустақиллиги доимо мустаҳкам, осмонимиз мустақил ва чегараларимиз дахлсиздир. Эл-юрт осойишталиги, эрки ва озодлиги учун курашган мард ўғлонлар хотираси ҳамisha барҳаёт».** Бу сўзлар пойтахтимизда ташкил этилган қўл жанги бўйича халқаро турнирнинг очилиш маросимида ташкилотчилар ва сўзга чиққанлар томонидан таъкидланди. 300 нафарга яқин қўл жанги усталари ва ҳаваскор спортчилар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда МҲСК вакиллари муваффақиятли қатнашди. Жумладан, профессионаллар ўртасидаги баҳсларда иштирок этган Куролли Кучлар хизматчиси Одил Сирожиiddинов (80 кг) финалда Европа чемпиони украиналик Алексей Смирновни нокаутга учратиб, олтин медални қўлга киритди.

(Давоми газетанинг келгуси сонларида).

Расул ЖУМАЕВ,
«Vatanparvar»

2010 – 2012 ЙИЛГИ МАВСУМЛАРДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИЙ ЖАДВАЛИ

№	Спорт тури	2012 йил						2011 йил						2010 йил						
		Мамлакатимиз миқёсида			Халқаро майдонда			Мамлакатимиз миқёсида			Халқаро майдонда			Мамлакатимиз миқёсида			Халқаро майдонда			
		ол.	кум.	бр.	о	к	б	о	к	б	о	к	б	о	к	б	о	к	б	
1.	Баскетбол	3	1	0	0	0	0	1	1	1	0	0	0	5	0	0	0	0	0	
2.	Бокс	2	1	2	3	4	1	2	1	3	8	5	10	6	1	6	9	8	4	
3.	Велоспорт	27	18	17	2	1	3	29	33	40	0	0	0	13	15	25	2	0	0	
4.	Дзюдо	17	14	33	9	6	17	11	4	12	9	8	11	7	6	7	9	9	8	
5.	Энгил атлетика	146	92	65	13	10	9	107	89	57	8	5	6	125	118	62	7	7	9	
6.	Кураш	5	4	3	0	0	0	2	4	5	0	4	6	2	3	2	6	0	6	
7.	Мерганлик (Ўқ отиш)	43	35	31	1	0	1	21	21	17	0	1	1	21	27	21	0	0	1	
8.	Оғир атлетика	5	2	6	3	1	0	7	4	10	2	3	3	5	5	2	3	2	2	
9.	Сув полони	3	0	0	0	0	1	3	0	0	0	1	0	3	0	0	0	1	0	
10.	Тэквондо	18	9	8	1	2	3	2	2	5	2	1	2	8	4	6	0	2	4	
11.	Теннис	9	10	7	8	8	2	7	7	11	7	3	1	0	0	0	6	3	1	
12.	Трамплин	2	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0	1	2	2	0	4	0	2	
13.	Шарк юксакчиликлари	Армрестлинг	11	7	7	22	16	13	17	9	5	7	8	6	22	8	5	5	1	3
		Кикбоксинг							3	3	1	0	0	0						
		Муай-тай							6	2	0	3	3	1	5	3	4	2	3	3
		Топ кўт.													3	0	0	0	0	0
		Унив. жанг	9	3	8	1	0	0												
	Кўл жанги	16	8	8	6	6	8	28	3	3	16	5	6	4	1	0	3	0	0	
14.	Эркин кураш	14	9	13	1	3	1	17	9	15	4	0	6	5	1	4	1	3	7	
15.	Эшак эшиш (байл. ва каноэ)	35	28	16	13	1	4	13	6	10	1	4	1	33	32	22	3	1	1	
16.	Юнон-рум кураши	17	14	7	4	6	8	28	18	21	9	8	6	11	10	12	3	2	1	
Жами медаллар:		382	256	232	87	64	71	304	216	216	76	59	67	280	236	178	63	42	52	
		870			222			736			202			694			157			
		1 092 та медал						938 та медал						851 та медал						

бошқаларга ўрнат қилиб кўрсатишга арзирли чексиз ватанпарварлик туйғуларини мужассам. Буни спортчилар ва ҳаётида бир марта бўлсин катта спорт майдонига чиққанлар яхши тушунишади. Армия спортчиларининг халқаро аренада эришаётган муваффақиятлари мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаятган кенг қўламли ишлар ҳамда бу масалага давлат томонидан қаратилаятган катта эътибор маҳсулидир.

2012 йилги мавсумда армия спортчиларининг юртимиз миқёсидаги мусобақаларда эришган натижалари ҳам юқори бўлди – 382 та олтин, 256 та кумуш, 232 та бронза, жами 870 та медалга эгалик қилишди. Кўплаб совринларни қўлга киритиш борасида МҲСК энгил атлетикачилари бошқа спорт тури бўйича клубдошларига ўрнат бўлишди. Энгил атлетикачилар Ўзбекистон чемпионати ва мамлакат кубоги учун кечган баҳсларнинг 146 та олтин, 92 та кумуш, 65 та бронза, жами 303 та медалга сазовор бўлишди. Мерганлар ва дзюдочилар эришган натижалар ҳам эътирофга молик. Ўзбекистон терма жамоаси негизини ташкил этадиган армия мерганлари мамлакат ички мусобақаларининг 43 та олтин, 35 та кумуш, 31 та бронза, дзюдочилар эса 17 та олтин, 14 та кумуш, 33 та бронза медалга эгалик қилишди. Дзюдо усталари халқаро майдонда ҳам ажойиб муваффақиятларга эришишди – ютуқлар салмоғи аввалги йиллардагига нисбатан юқори бўлди. Шу боис ҳар мавсум якунида «МҲСКнинг энг яхши ва энг фаол бўлими (цикли)» учун бериладиган кубок 2012 йилги мавсум поёнида айнан дзюдо бўли-



МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ЧЕМПИОНАТИ

“ Ўзбекистонда бокс шу қадар ривожланиб бормоқдаки, мамлакатимиз спортнинг ушбу тури бўйича дунёда ҳатто етакчи учлик қаторидан жой олишга ҳам улгурди. Эришилаётган ютуқларда Мудофаа вазирлиги доирасида ўтказилаётган мусобақаларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Навбатдаги шундай мусобақа – бокс бўйича Мудофаа вазирлиги қўшинлари чемпионати бир қатор эътиборга молик натижалар билан эсда қолди.



ТЕХНИК НОКАУТЛАРГА БОЙ ФИНАЛЛАР

Тўрт кун давом этган мусобақада 130 нафарга яқин ҳарбий хизматчи олти вазн тоифаси бўйича яққаллик ва жамоавий биринчилик учун мурасасиз кураш олиб борди. Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округда ўз йигитлик бурчини ўтаётган оддий аскар Азизхон Абдуллаев 69 кг вазнда рингга кўтарилиб, унутилмас ғалабага эришди. У ҳал қилувчи беллашувда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Азизбек Қахрамоновни яққол устунлик билан мағлуб этди. Қолган бешта вазннинг барчасида контракт бўйича ҳарбий хизмат қилаётган сержантлар ғалаба қозонди. Финал баҳслари шу қадар шиддатли ва мурасасиз курашлар-

га бой бўлдики, уларнинг деярли барчасида ғолиблар ўз рақибларини муддатидан олдин техник нокаутга учратди.

– Бокс билан 10 ёшимдан буён шуғулланман. Илк бор Мудофаа вазирлиги қўшинлари ўртасидаги биринчиликда ғолиб бўлдим. Илгари республика миқёсидаги мусобақада ҳам ғолиб бўлганман. Энди халқаро рингларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун бор имкониятимни ишга соламан, – дейди Хусанбой Худайназаров.

Ғолиб ва совриндорлар медаллар, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар. Жамоавий ҳисобда биринчи ўринни кўлга кiritган Ғазалкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмга Мудофаа вазирлигининг махсус Кубоги топширилди. Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ ҳамда Тошкент ҳарбий округи терма жамоалари иккинчи ва учинчи ўриндан жой олдилар.



МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ҚЎШИНЛАРИ ЧЕМПИОНАТИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

63 кг

1. Кичик сержант Жаҳонгир Давидов (*Махсус авария-тиклаш бошқармаси*).
2. Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Олим Хусанбоев (*Тошкент ҳарбий округи*).
3. Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Алижон Қосимов (*Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ*), курсант Шахзод Напасов (*Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти*).

75 кг

1. Кичик сержант Фаҳриддин Маматхўжаев (*Ғазалкентда жойлашган ҳарбий қисм*).
2. Курсант Шохрух Ҳазратқулов (*Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти*).
3. Кичик сержант Шахрам Ядгаров (*Шарқий ҳарбий округ*), контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Аббос Юсуфбоев (*Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги*).

91 кг

1. Кичик сержант Хусанбой Худайназаров (*Ғазалкентда жойлашган ҳарбий қисм*).
2. Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Шахбоз Абдуллаев (*Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ*).
3. Кичик сержант Амирбек Исмоилов (*Тошкент ҳарбий округи*), контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Азизбек Иминов (*Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги*).

69 кг

1. Муддатли ҳарбий хизматчи Азизхон Абдуллаев (*Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи*).
2. Курсант Азизбек Қахрамонов (*Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти*).
3. Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Рафатдин Дарменбаев (*Тошкент ҳарбий округи*), контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Элмурод Қўшоқов (*Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги*).

81 кг

1. Кичик сержант Ислонбек Мўминов (*Тошкент ҳарбий округи*).
2. Курсант Жаҳонгир Амонов (*Қуролли Кучлар академияси*).
3. Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Яҳё Нуриддинов (*Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ*), кичик сержант Ғиёс Позилов (*Ғазалкентда жойлашган ҳарбий қисм*).

+91 кг

1. Кичик сержант Сергей Қурбонов (*Ғазалкентда жойлашган ҳарбий қисм*).
2. Кичик сержант Феруз Абдувоҳидов (*Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги*).
3. Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Баҳодир Назаров (*Марказий ҳарбий округ*), контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Манзар Бозоров (*Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги*).

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ОММАВИЙЛИКДАН МАҲОРАТ САРИ

“ Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Наманган вилояти кенгаши тасарруфидаги техник ва амалий спорт турлари марказида спортнинг техник ва амалий турларини ёшлар ўртасида ривожлантириш, оммалаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.



Натижада вилоят терма жамоаси шакллантирилиб, нуфузли мусобақаларда уларнинг иштироки таъминланмоқда. Бугунги кунга келиб, вилоятда 13 та картинг, ёзги биатлон, ҳаво милтиғидан ўқ отиш, мотоспорт, 3 та модель спорти, битта автокросс, триатлон, радиоспорт ҳамда парашют спорт секциялари фаолият кўрсатмоқда. Уларга 31 нафар тажрибали спорт мураббийлари бириктирилган.

– 2020 йилнинг ўтган ойлари мобайнида ўтказилган клуб 170 нафар, туман (шаҳар) 2 245 нафар, минтақавий 665 нафар ҳамда республика миқёсидаги мусобақаларда 24 нафар спортчимиз муваффақиятли иштирок этди, – дейди марказ директори Валижон Ибрагимов. – Мусобақалар натижаларига кўра, 2 нафар спорт усталигига номзод, 6 нафар биринчи тоифали спортчи, 19 нафар 2-, 3- оммавий тоифали спортчи тайёрланди. Спорт секцияларининг моддий-техника базасини ривожлантириш мақсадида 18 та махсус кийим-бошлар жамланмаси харид қилиниб, спортчилар ихтиёрига берилди.

Вилоят терма жамоасининг 58 нафар аъзоси республика миқёсидаги 5 та мусобақада қатнашиб, умумжамоа ҳисобида бир марта 1-ўрин, 5 мартаба 2-ўринни эгаллашди.

Наманган вилояти ҳокими томонидан тасдиқланган спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг 2020 йил учун мўлжалланган режасига мувофиқ, 4 мартаба ҳаво милтиғидан ўқ отиш бўйича вилоят мусобақаси, картинг бўйича вилоят прокурори мусобақаси, ёзги биатлон бўйича вилоят биринчилиги, мотокросс бўйича вилоят ҳокими кубоги ҳамда радиоспорт бўйича мусобақалар ўтказилди. Жорий йилнинг ўтган ойлари



мобайнида ўтказилган спорт мусобақаларида иштирок этган вилоят терма жамоаси аъзолари шахсий ҳисобда 8 та олтин, 10 та кумуш ва 8 та бронза медални қўлга киритди.

Айни пайтда марказда нафақат спорт турларини ривожлантириш, балки ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда оммавий касб ходимларини тайёрлаш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Шу кунларда бу ерда «В», «ВС», «С» ҳамда «Е» тоифали ҳайдовчилар ҳам тайёрланмоқда. Кейинги йиллар давомида ташкилотнинг ўқув-моддий базасини янада ривожлантириш ва замон талаблари асосида қайта жиҳозлаш юзасидан бир қатор амалий ишлар қилинди. Машғулот хоналари замонавий стол-стуллар, инновацион доскалар, компьютерлар, видеокузатув мосламалари билан жиҳозланди. Ҳайдовчиликка номзодларнинг билим даражасини синовдан ўтказиш мақсадида имтиҳон хонаси ташкил этилди. Шунингдек, тингловчиларга янада қулайлик яратиш учун марказ автомобиль парки янгилашиб, замонавий русумдаги ўқув автомобиллари олиб келинди. 2020 йилнинг ўтган ойлари мобайнида 587 нафар «В», 151 нафар «ВС» тоифали ҳайдовчилар тайёрланган бўлса, 115 нафар «С» ҳамда 99 нафар «Е» тоифали ҳайдовчилар қайта тайёрланди. Олинган даромад ҳам салмоқли бўлди. Бу фойданинг асосий қисми спорт мусобақаларини ташкиллаштиришга сарфланди.

Шу кунларда ҳам марказ ходимлари ёшларимизни юксак марралар сари етаклаш, спортнинг оммавийлигини янада ошириш борасидаги изланишларини давом эттирмоқдалар.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ



МУТОЛАА

(Боши газетанинг ўтган сониди)

Жўра ФОЗИЛ

БОЙҚҰНҒИР ЛОЛАЛАРИ

(ҚИССА)

II
ҚАХРАТОН

Бойқўнғир Иттифокда, эҳтимол, дунёда ягона нодир маскан бўлиб, бу ернинг ўзига хос шеvasи, луғати бор эди. «Станок» – қитъалараро ядро ракетаси турадиган ер ости шахтаси, «Старт» – космик ракеталари учириладиган майдонча, «режим хизмати» – ракета учирилиши арафасида, 45 даражали совуққа қарамай, хизматдан бўш аскарларни, бутун гарнизонни 10-15 чақирим чўл ичкарасига ҳайдаб кетишга бош-қош бўладиган, бадқовоқ полковник Лаухин тасарруфидаги махсус бўлинма, таъбир жоиз бўлса, «жазо отряди», «Вася» – уч ойлик улочадек мушук.

Дарвоқе, Васянинг тўлиқ исми Василий Михайлович бўлиб, штаб бошлиғини ёмон кўрганимиздан унинг номи билан мушукни атаган бўлсак-да, жониворни ҳаммамиз беҳад суюрдик. Ошхонадан қайтган бирор киши Василий Михайловични қуруқ қўймас, биров қанд, биров мой, яна биров гўшт билан сийлар, эркатойимиз кун сайин эмас, соат сайин семираб борар ва у миннатдорчилик сифатида, ётоғимиз навбатчиларининг олдида бир қадам нари кетмай, тунни тонгга уларди. Туни билан мижжа қоқмай бир ерда ўтиришга мажбур аскарлар учун Василий Михайлович жуда ажойиб эрмак эди. Лекин бу командирларимизга унчалик ёқинқирамасди, ҳарбий низомга хилоф, дея хархаша қилишар, биз, бутун рота Васянинг ёнини олгач, ноилож қолишарди. Менимча, сотқинлик, чақинчилик бўлмаган гўша дунёда мавжуд эмас. Одамлар яшаган ҳар бир маскан инсониятнинг бу қабиҳ иллатидан холи бўлмайди. 95-майдонча ҳам бундан мустасно эмасди ва кимдир штаб бошлиғи Василий Михайловичга 1-ротадан ғоятда семираб, гердайиб юрган мушук унинг «шарафи»га номланганини шипшитган. Бу хабарни эшитганимиздан сўнг Васянинг тақдиридан хавотирланиб қолдик. Чунки штаб бошлиғи ёвуз одам эканига бизда шубҳа қолмаганди.

Василий Михайлович адашига очик ҳужумга ўтмади. Шундай қилса, обрўйи тўкилишини у яхши биларди. У ротамизда ўтказилган сиёсий машғулотларда бир-икки маротаба иштирок этиб, «Сизларда сиёсий тайёргарлик жуда бўшашиб кетибди», шара қилди. Бу шара нимага қаратилгани бизга аён, штаб бошлиғи мушукка шу номни ким қўйганини аниқлай олса, «совет офицерини ҳақоратлади», дея ҳарбий трибунал судига топширишдан ҳам тоймаслигини яхши биларди. Хайриятки, бу номни ким қўйганини аниқлаш имкони йўқ эди. Лекин штаб бошлиғи кечиримли одамлар тоифасидан эмасди, у биз ва Васядан қандай қасд олишини ўйлаб,

ўйимизга етолмасдик.

Қозоғистоннинг қаттиқ совуқ ара-лаш машҳур шамоли кучайгандан кучаяр, кулоқ, бурун, қўл, оёғини совуққа олдириган аскарлар сони ошиб борар, ҳар қанча пахталигу пўстинига ўралмайлик, бу даҳшатли қахратондан омонлик йўқ эди. Совуқнинг кучини тасаввур этишингиз учун бир мисол айтман: ошхонада кружкага қуйилган иссиқ чой орадан бир неча дақиқа ўтмай, юпка муз парчаси билан қопланиб қоларди.

Ана шундай оғир шароитда ҳам бойқўнғир юраги уриб турар, машаққатли навбатчилиги соқчиликлар гарданида, улкан аслаҳахонага айлантирилган чўлнинг кўз илғамас кенгликларидан янгидан-янги ядро ракета комплекслари барпо этиш учун кеча-кундуз кураш кетарди. Марказий газета-журналларда эса қуролланиш пойгасини тўхтадиш, Совет иттифоқининг ғоят тинчликсевар сиёсати ҳақида қоп-қоп сафсаталар босилар, сиёсий ходимлар биз билан машғулот ўтказаётганда қуролсизланиш ҳақида гапирар эканлар, кўзимизга тик қараёлмас эдилар. Сабаби, қуролланиш пойгасининг энг олдинги марраси ракета беркитилмаган бирор гўшаси қолмаган ана шу чексиз саҳрода эди, буни ҳаммамиз тушунарди. Ҳафта сайин жанговар ва космик ракеталар фазога парвоз этар, уларнинг ҳар бири учишидан олдин, хавфсизликни таъминлаш учун аскарларни аксарият ҳолларда тунги ширин уйқудан уйғотиб, чўлга олиб чиқишар, шу қахратонда 10-15 километр йўл босиб, режим вақти тугагунча кумликларда дийдираб санқишга мажбур эдик. Ракеталар қулаб тушиши хавфи бўлганидан, режим хизмати қисмларда санокли соқчилардан бўлак ҳеч кимнинг қолишига рухсат бермас, биз қисмда қолаётган дўстларимиз билан хайрлашаётиб, «қўрқма, агар ўлиб-нетиб қолсанг, оркестр билан кўмамиз», дердик. Чунки чўлга бутун гарнизон билан кўчиб чиқишлар мутлақо кераксиз, режим хизматидагилар давлатнинг пулини бекорга олиб юришибди, деб ҳисоблардик. Лекин тез орада юз берган воқеалар биз янглишганимизни кўрсатди.

...«Геркулес» типиди ракета учирини кизғин тайёргарлик кетар, айтишларича, бу парвоз космосни ўзлаштиришда инқилоб бўлиши керак эди. Шу боисдан тараддуд ўта махфий тарзда олиб бориларди. Одатда, навбатдаги ракета қачон парвоз қилишини штабдаги дўстларимиз орқали соату дақиқаларигача билардик. «Геркулес» парвози ҳақида эса ҳеч ким, ҳатто командирларимиз ҳам билишмасди. Биз узоқ кутдик, парвоздан эса ҳа деганда дарак бўлавермади. Охири, жонимизга тегиб, эсламай қўйдик. Сирасини айтганда, парвоз бизни қизиқтирмас, балки шу қахратонда яна қачон чўлга ҳайдаб чиқаришлар

рени аниқ билиб, шу сарсон-саргардонликка озми-кўпми тайёргарлик кўриб қўймоқчи бўлардик, холос. Тайёргарлик деганим, газниқоб халтасига бир бурда қора нон, икки-уч музлаган пиёз солишдан иборат эди.

Тун. Зим-зиё тун... Зулмат қаъридан Муаттар чиқиб келяпти.

– Муаттар, Муаттар... нега хат ёзмайсан? Кутавериб юракларим қон бўлди-ку!..

– Қандай ёзаман, қаёққа ёзаман? Манзилингиз аниқ эмас-ку?!

– Нега аниқ эмас, бойқўнғирга деб ёзавер. Бойқўнғирнинг деб ёзавер, Жамол биттаман. Ўзбекистонда сен ҳам биттасан.

– Йўқ, хат ёзмайман, ўзим ёнингизга учиб бораман!

– Уч-и-и-и-б келолмайсан, келма. Қанотларингни совуқ олади. Бу ер жуда совуқ. Ҳамма жой, чўл ҳам, уйлар ҳам, юраклар ҳам совуқ, қахратон, муз...

– Мен совуқдан қўрқмайман, Жамол ака. Қиз боланинг қайноқ юраги олдида совуқ нима деган гап? Наҳот, шуни билмайсиз, ахир, шоирсиз-ку, шоир-а!

– Йўқ, мен шоир эмасман, шоирликни вақтинча қўйиб тураман, ҳозир оддий аскарман.

– Нима бўлсаям, мен юракларингиздаги музни эритишим керак, музни! Ахир, юракда муз билан, муз юрак билан қандай яшайсиз?!

– Фақат юрак эмас, қўллар, оёқлар, киприклар ҳам муз ва лекин мана, бинойидек яшайсиз. Яшай-верамиз...

– Йўқ, йўқ, бундай яшаб бўлмайди. Бундай яшаш мумкин эмас!..

– шундай деганича Муаттар аллақандай нурдан барқ уриб турган чиройли юзни қўллари билан беркитди, нозик бармоқлари орасидан биллурин ёш томчилари сизиб тушди.

– Йиғлама, Муаттар, ахир кўз ёшларингиз арзигулик гап бўлгани йўқ-ку! Йиғлама!

– Йиғлайман, сизнинг юрагингиз шунчалар муз бўлар экан, мен қон йиғлайман...

Мен Муаттар томонга талпиндим, унинг кўз ёшларини артмоқчи, юпатмоқчи бўлдим. Лекин жойимдан кимир этолмасдим, оёқларим ерга михпарчин этилганди, гўё. Бор товушим билан бақирдим, лекин Муаттар товушимни эшитмас, кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Иложсизликдан нима қилишимни билмай, яна унга талпиндим. Муаттар эса шахт билан ўгирилди-ю, тез юрганича мендан узоқлаша бошлади. Телба шамол унинг майда гулли чит қўйлагини тортиб ўйнар, қирқта ўрилган тим қора сочлари белида тўлғонарди. У тобора узоқлашиб, кўм-кўк туман бағрига сингиб кетмоқда эди. «Кетма, Муаттар!» овозим бўғилгудай қичқирдим ва худди шу аснода аллақандай кўзга кўринмас бир куч мени қаттиқ силката бошлади. Чўчиб кўзларимни очганимда, тепамда Усмон турар, рота сафга тизилган, қисқа-қисқа буйруқлар янгарди.

– Тур-е, кунда! Одам ҳам шунчалар қаттиқ ухлайдими?! Муаттар, Муаттар, деб бўқиришини қаранг. Ҳозир командир Муаттарни кўзингга кўрсатади. Бўл тезроқ! Тревога! Режим!

– Апил-тапил кийиниб, сафга югурдим. Командир бир ўқрайди-ю, ҳарқалай, жазоламади. Йўлга тушдик.

– Чўл осмони мусаффо, юлдузлар ғужғон ўйнаб, ёрқин нур сочишар, ана шундай, ҳаво очик тунларда совуқ янада авжига минарди.

– Тунги соат икки, уйқунинг айна ширин пайти бўлганидан, кўпчилик аскарлар кўзлари юмук ҳолда қадам ташлашар, мен эса ҳамон Муаттар билан бўлган суҳбат таъсирида

эдим. Бу учрашув ғойибона эканлигига ишонгим келмас, кўзларим йиртилгудай бўлиб, поёнсиз зулмат қаъридан Муаттарнинг гўзал сиймосини излардим. Унинг кўзлари ҳам, қирқта ўрилган сочлари ҳам тун рангида, уларни қоронғи тундан ажратолмасам, не ажаб? Муаттарнинг юзларини яна кўраман, дея астойдил ишондим. Ана шу ишонч туфайли шамолнинг дилгир увуллашини, киприкларимга инган музни унутдим. Икки соатлардан сўнг режим хизмати белгилаб берган жойга этиб бордик. Ҳар ер-ҳар ерда гулханлар ёқилди, чўлни чумолидек босган гарнизон аскарлари олов атрофига тўпландилар. Суҳбат авжига чиқди. Ҳаммининг оғзида «Геркулес», «Инқилоб» сўзлари эди. Командирлар ҳар замонда соатларига бетоқат назар ташлаб қўйишарди. Ниҳоят, юлдузлар бирин-кетин хиралашиб, уфқ қирмизи тус олди. Олисида оппоқ шамдек бўлиб турган ракета – «Геркулес» кўзга ташланди. Ҳаммининг нигоҳи уфққа қадалди.

Бойқўнғирнинг телба шамоллари онда-сонда ёғадиган қор чўлни бир текис оқартиришига йўл қўймас, ястаниб ётган кумликлар қуруқ дастурхондек оқ, сариқ, кулранг товланиб ётар, бу олачапоқ хилма-хиллик аро «Геркулес» ғоят улуғвор кўринарди. «Геркулес»га махлиё бўлиб, орадан қанча вақт ўтганини билмай қолдим.

Бирдан уфққа ғоят кучли қизил аланга «лоп» этди. Гумбурлаш еру кўкни ларзага солди. Чўл жуда ёришиб кетди ва қуюқ тутун, олов селига чулганган ракета баландга кўтарилди бошлади. У баландлаган сайин гумбурлаш кучайиб борар, назаримда, ер ёрилиб кетгудек. Бепоён кумликлар, уларга қўшилиб бутун вужудимиз титрар, айниқса, тиззалар қалтироғини босиш қийин эди.

«Геркулес» бир неча сония тикка парвоз этди, сўнгра кутилмаганда қиялай бошлади ва кўп ўтмай, кўз зўрға илғайдиган тўлқинсимон барханлар ортига қулаб тушди. Аввалгисидан ҳам даҳшатлироқ гумбурлаш қулоқни қоматга келтирди. Ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетди. Бироз фурсатдан сўнг «Ана сенга, Геркулес», «ана сенга, инқилоб» каби хитоблар янгради. Командирлардан бири ўзи ҳам ишониб-ишонмай, изоҳ берди.

– Белгиланган траекториядан чиқиб кетгани учун радио орқали команда билан ўзлари портлатиб юборишди. Уни энди бошқариб бўлмасди. Аскарлар орасида ғала-ғовур бошланди. Портлаш сабабларини ҳар ким ўз билганича изоҳларди. Командирлар бақариб чақириб, ғовурни босмоқчи бўлишар, лекин уларга ҳеч ким қулоқ солмасди. Атроф ёришиб, ракета қулаб тушган ерда ҳосил бўлган тўқ жигарранг тусдаги улкан кўзиқорин кўзга яққол ташланганида, ғала-ғовур янада кучайди. Чунки ядро бомбаси портлаганида айнан шундай кўзиқорин пайдо бўлади, деб бизга кўп марта лаб уқтиришган эди.

Аскарлар орасида ваҳима бошланди. Битта-яримта асаби бўшлар йиғлаб юборишди. Шунда, ердан чиқдим, осмондан тушдим, билмадим, қаршимизда юзлари қип-қизариб кетган режим хизмати бошлиғи полковник Лаухин пайдо бўлди. Жуда хунук башараси сабаб, биз, ўзбеклар тилида унинг махфий лақаби «иблис» эди.

– Молчать!!! Не пониковать!!! Нюни распустили! Солдаты, защит-





ники называются вашу мать!.. – чўлни бошига кўтариб, бўкирди полковник кўзларини ола-кула қилиб. Унинг ракета гумбурлашидан паст бўлмаган овози ҳаммани ўзига келтирди. Жимиб қолдик.

Лаухин ҳам ўзини сал босиб олиб, тушунтира бошлади:

– Бу – «Геркулес» типдаги ракета, унинг ҳеч қанақа ядро заряди йўқ. Фақат, ана шу кўзиқорин шаклини олган ёнилғиси заҳарли. Уни тўйиб ҳидлаган одам зурриётсиз қолиши мумкин. Бахтга қарши, шимолдан эсаётган шамол ана шу ёнилғи портлашидан ҳосил бўлган газларни биз томонга ҳайдаяпти. Шу боисдан, жанубга қараб 2-3 соат югуришимизга тўғри келади.

Командирларимиз яна тилга кирдилар. Қисқа-қисқа командалар янграй бошлади. Чўлни мўр-малаҳдек босган аскарлар жунбишга келди, нари-бери сафланди. Ҳаммамиз оёқни қўлга олиб, йиқилиб-туриб югура бошладик. Буни агар биров четдан кузатса, фаройиб манзаранинг гувоҳи бўларди, эҳтимол. Лекин ўшанда ҳамманинг фикри-зикри лаънати кўзиқориндан мумкин қадар узоқроқ қочишда эди. Биз орқа-ўнгимизга қармай, жон-жаҳдимиз билан югурардик.

Кўп ўтмай қора терга ботдик. Чўлни ҳарсиллаш, асабий сўкинишлар босиб кетди. Пахтали шим, пиймаларда югуриш гўрнинг азоби эди. Сафларнинг энг охирида қўйларни ҳайдаётган чўпондек бўлиб, секин юраётган «УАЗ» машинасида полковник Лаухин келар, ундан бўлак неча минглаб кишининг ҳаммаси пою пиёда эди.

Биз 2-3 соат эмас, қарийб тушгача, ўша лаънати кўзиқорин борган сари қатталашиб, бўшлиққа сингиб кетгунга қадар оёқни қўлдан қўймадик. Неча марталаб йиқилиб-турганимиз, ёлғиз худога маълум. Охири, ҳамма ўзини қор босган явшонлар, янтоқлар устига таппа-таппа ташлади. Шу қадар ҳолдан тойган эдикки, ҳеч кимнинг қимирлашга мадори йўқ эди. Тўда-тўда ётган аскарлар узра тамакиннинг энгил хушбўй тутуни суза бошлади. Сал ўзларига келиб улгурган йигитлар ҳазил-мutoйибани бошладилар. Ҳазил-хузулнинг ўткир тиглари йиғлаб юборган аскарларга қаратилган, улар ҳам ўз-ўзларидан кулишарди. Усмонни эсладик. Ротада соқчиликда қолиш унинг чекига тушганди. Бутун чўл даҳшатидан остин-устун бўлганда, учиш майдончасидан шундоқ, 5-6 чақирим берироқда казармада бечора Усмоннинг ҳоли нима кечди экан?

Кечга томон оёқларимизни зўрға судраб, қисмга кириб келдик. Казарма эшиги ёнида бизни қаршилаган Усмоннинг чеҳраси аянчли эди.

– Нима, жудаям кўрқиб кетдингми, Усмон? – сўрадим мен.

– Қўрқиш ҳам гапми, ўлиб қолай дедим. Шошганимдан, аввалига газниқоб кийишни ҳам унутибман.

– Зарари йўқ, – гапга аралашди Самад, – жуда нари борса, зурриётсиз қолишинг мумкин экан, «иблис» шунақа деди.

Усмоннинг ҳазиллашадиган ҳоли йўқ эди. Самадни жеркиб берди:

– Ҳе, оғзингдан ел олсин! Ўзинг шу ерда бўлганида, кўрардим аҳволингни. Зурриётсиз қоласан эмиш, ундан кўра ўлганим яхши эмасми?

– Бўлди, узр, жўражон, муроса қилди, Самад, – ҳалиям юрагинг отнинг калласидай экан. Бизнинг ёнимиздаги айрим ҳезалаклар кўрқувдан бўкириб юборишди-ю...

Биз Усмонни юпатиш билан овора эканмиз, ротада ғала-ғовур бошланди. Ҳамма бир бўлиб, эркатойимиз Василий Михайловични изларди. Вася эса ҳеч қаерда кўринмасди.

Мушук топилавермагач, йигитлар Усмонни айблаи кетишди.

– Ерга кириб кетмагандир-ку, наҳот, кўрмаган бўлсанг?!

– Ўлай агар, – қасам ичарди Усмон, – ўша, сизларни кузатиб чиққани, казармага қайтиб келгани йўқ. Ўзим ҳам уни узоқ изладим.

Бутун рота гуруҳ-гуруҳ бўлиб, Васяни излай бошладик. Қисмининг биз бормаган бурчаги қолмади. Ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилдик. Василий Михайловичдан дарак йўқ эди.

Ҳаммамиз бу штаб бошлиғи Василий Михайловичнинг ўчи эканини юрак-юрақдан ҳис этсак-да, севимли мушугимиз қурбон бўлганига ишонгимиз келмасди.

Орадан уч кун ўтди. Қисм чўчқохонасига гўн тозалагани борган аскарлар Васянинг тарашадай қотиб қолган мурдасини топиб келдилар. Жонивор икки ўқ билан отиб ўлдирилганди.

МУЛОҲАЗА

“ Бугун аксарият ёшлар ҳаётини ижтимоий тармоқларсиз тасаввур қилолмайди. Олдингидек мулоқот учун узундан-узун сўзлар ёзиб ўтиришимизга ҳам ҳожат йўқ. Чунки турли тортишув ва жанжалларга, бирон бир видеога, жамиятдаги муаммоларга муносабат билдиришимиз, маъқул ёки номақбул деган хулосага келишимиз учун фикр билдиришимиз шарт эмас. Ажойиб янгилик эшитсак, бош бармоқ тепага кўтарилиб, қолганлари букилади. Замонавий тилда бу «like» (инглизчадан таржима қилсак «ёқди») дейилади. Ғалабадан чексиз қувонсак, бундай расми белгилар сони бир нечтага ортади. Шундай қилиб, ҳеч қанақа сўзлар ёзилмаса-да, биз ҳам ўртоғимизга жавоб тариқасида ундан хурсанд эканлигимизни «билдириб» қўямиз. Тўғри англадингиз, бугунги мулоҳазаларимиз «смайлик» (инглизча «smile», маъноси «табассум») лар ҳақида бўлади.



ЁХУД МУОМАЛАДА «СМАЙЛИК»ЛАР

СОПОЛ ИДИШДАГИ КУЛГИ

Энг қадимги «смайлик» 2017 йил 18 июлда Туркиянинг Газиантеп вилоятидан турк ҳамда италян археологлари томонидан топилган. Кишидаги мамнунлик ҳиссини ифодалаш учун сопол идишнинг юзасига ишланган бу смайлик XVII асрда Словакияда пиктограмма сифатида ишлатилган. XX аср бошларида смайликлар фильмлар рекламасида қўлланила бошлади. 1958 йилда Америкадаги машҳур радиоэшиттириш пайтида телефон орқали саволларга жавоб берган фаол тингловчиларга бахтли юз тасвири туширилган футболкалар совға қилинди. 1963 йили америкалик рассом Харви Балл бахтли юз тасвирини тугмачаларда ифодалайди. Шундай қилиб «смайлик»лар дунё миқёсида оммалашди.

1998 йилда Осиёда биринчи бўлиб япониялик Шигетака Курита ҳиссиётларни ифодалашга ёрдам берадиган эмоционал тасвирларни яратди. Рус ёзувчиси Владимир Набоков эса қавсни табассум сифатида ишлатишни таклиф қилди ва у 1969 йилда «The New York Times» газетасига берган интервьюсида шундай сўзларни айтади: «Мен табассум учун махсус типографик белги бўлишини истайман. Сизнинг саволингизга узоқ жавоб беришим ўрнига қавс белгисини қўйиш мен учун жуда қўлай!»

1971 йилда француз журналисти

Франклин Лауфра «смайлик»ни савдо белгиси сифатида рўйхатдан ўтказди. Бу эса «смайлик»ларнинг дунё бозорига кириб боришига замин яратди.

ИНСОН ЎЗИНГ...

Бугун виртуал оламда турли смайликлардан ташқари ҳар хил гиф расмлар, машҳур инсонлар тасвири, саводсизларча ёзилган бўлар-бўлмас сўзлар ҳам кўп. Энг афсусланарлиси, киши таъбини хира қилувчи бу нарсалар ёшларни ахлоқсизликка, дидсизликка, маданиятсизликка, ҳатто одам ўлдиришга чорляпти, қўлга қурол олишга даъват этяпти. Бу қанчалик аччиқ бўлмасин, айна ҳақиқат. Ҳақиқатдан эса кўз юмиб бўлмайди.

Аслида шу смайликлар сабаб эмасми, дилимиздан тилимизга кўчадиган эзгу сўзларнинг, яқинларимизга меҳр изҳорларимизнинг ўрнини эгаллаб олаётган, инсонлар ўртасидаги диёнатни кўтараётган?! Мана нима учун оқибат камёб бўлиб бормоқда! Нафақат оқибат, балки инсонийлик қиёфамизнинг йўқолиб бораётгани мени қаттиқ ташвишга солади.

Аброр ПАЯНОВ,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети,
ҳарбий журналистика йўналиши
2-босқич талабаси

ХАРБИЙ ТЕХНИКА



ЯНГИ РАКЕТА-ТЎП КОМПЛЕКСИ

Сербиянинг «Терминатор» деб номланган (миллий белгиси PASARS-16) зенит ракета-тўп комплекси ФАП-2026 типдаги автомобиль (ғилдирақлар формуласи 6 х 6) асосида ишлаб чиқилган, таркибига Швецияда ишлаб чиқарилган «Бофорс» L/70 типдаги 40 мм.ли автоматик тўп ҳамда яқин масофаларга мўлжалланган «ҳаво-ҳаво» классдаги P-13M русумли бошқарилувчи зенит ракеталарини ишга тушириш қурилмаси кирувчи қурол модули билан жиҳозланган. Шунингдек, машинага янада такомиллаштирилган ўт очишни бошқариш тизими ва нишонга олиш ускуналари ўрнатилиши ҳам кўзда тутилган. «Бофорс» тўпининг максимал отиш тезлиги дақиқасига 240 та ўқ узиш, снаряд парвозининг бошланғич тезлиги (унинг типига боғлиқ равишда) сониясига 1 000 дан 1 600 метргача, нишонларни яқсон қилиш баландлиги 8 км, самарали отиш узоклиги 3 км.ни ташкил этади. Сербиялик мутахассислар томонидан комплекснинг миналарга қарши ҳимояланиши кучайтирилган, кабина ва қурол модулининг энгил зирқланиши амалга оширилган. Бу эса экипаж аъзоларининг, шунингдек, асосий узел ва агрегатларнинг ўқотар қуроллар ўқи ҳамда артиллерия снарядлари парчаларидан ишончли ҳимояланишини таъминлайди. Комплекс ҳисоби (расчёти)нинг машинага чиқиб-тушиши ён томонлардаги эшиклар ва кабина томидаги люклар орқали амалга оширилади. «Терминатор»га қуввати 280 от кучига тенг бўлган дизель двигатели ўрнатилган бўлиб, у шоссе бўйлаб максимал ҳаракатланиш тезлигини соатига 80 км.гача етказиш имконини беради.

ФРЕГАТ В ПРОТИВОЛОДОЧНОМ ВАРИАНТЕ

Фрегат с управляемым ракетным оружием «Карабиньере» ВМС Италии (бортовой номер F 593) был заложен 6 апреля 2011 года на верфи «Рива Тригозо» компании «Финкантьери» в г. Генуя, спущен на воду 29 марта 2014-го и вошел в состав военного флота страны 28 апреля 2015 года. Корабль построен по программе FREMM в противолодочном варианте. Полное водоизмещение фрегата 6 700 т, длина 144 м, ширина 19,4 м, осадка 5,4 м. Экипаж 131 человек, в том числе 23 члена авиагруппы. Предусмотрена возможность для дополнительного размещения 25 человек. Главная энергетическая установка, выполненная по схеме CODLAG, включает газовую турбину LM2500+ мощностью 32 МВт, четыре дизель-генератора (8,4 МВт) и выдвигное подруливающее устройство (1 МВт). Наибольшая скорость хода 27 узлов, дальность плавания 6 000 миль при скорости хода 15 узлов. Вооружение: 16-ячеечная установка вертикального пуска «Сильвер» А50, две двухконтейнерные пусковые установки ПКР «Тезео» Mk 2/А и ПЛУР «Милос», две 76-мм автоматические установки (АУ) «Супер Рапид», две 25-мм АУ, два трехтрубных торпедных аппарата для торпед MU-90. Также, корабль оснащен радиолокационными станциями различного типа и назначения, подкильной гидроакустической станцией TUS 4110CL, гидроакустическим комплексом типа CAPTAS-4. Фрегат «Карабиньере» оборудован вертолетной площадкой и двумя ангарами для вертолетов NH-90 и EH-101.



йўлдошидан фойдаланувчи махсус алоқа тизими билан жиҳозланади. УУА умумий оғирлиги 750 кг.гача бўлган фойдали юклангани олиб ўқиши мумкин. Фойдали юкланма сифатида аппаратга кенг тасвир бурчагига эга бўлган оптик-электрон тизим ҳамда радиолокация станциясини ўрнаттиш режалаштирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, янги аппаратни яратишда асосий эътибор маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариладиган бутловчи қисмлар, шу жумладан радиоэлектрон ускуналар ва қуролларга қаратилмоқда.

МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР АСОСИДА

Туркиянинг «Тюркиш аэропейс индастриз» давлат авиасозлик бирлашмаси мутахассислари ўрта баландликларда учишга мўлжалланган янги разведкачи-зарбдор учувчисиз учиш аппаратини (УУА) яратиш устида иш олиб бормоқда. «Аксунгур» деб номланган янги аппарат аввал ишлаб чиқарилган «Анка» типдаги УУА асосида яратилмоқда. Тажириба намунасининг илк парвози 2019 йилнинг март ойида амалга оширилган. Мазкур аппарат иккита двигателга эга бўлган икки балкали схема бўйича ишлаб чиқилган. Серияли равишда ишлаб чиқариладиган намуналарни маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилувчи, ҳар бирининг қуввати 170 от кучига тенг бўлган PD 170 типдаги двигателлар билан жиҳозлаш кўзда тутилган. «Аксунгур»нинг қанотлар кўлами 24 метр, максимал кўтарилиш оғирлиги 3 300 кг.ни ташкил этади. Аппарат 7 600 метргача бўлган баландликларда учишга мўлжалланган, парвоз давомийлиги 24 соатгача. «Аксунгур» туркиялик мутахассислар томонидан яратилган TURKSAT типдаги сунъий ер

ОРИГИНАЛЬНЫЙ РЕВОЛЬВЕР

Американская фирма «Стандарт мэньюфэксчуринг» (штаб-квартира в г. Хьюстон, штат Техас) – крупнейший производитель короткоствольного оружия самообороны в США – представила свой новый образец оригинальной конструкции – двухствольный револьвер SM S333 «Тандерстрак». По своей конструкции этот пистолет максимально оптимизирован для скрытого ношения и быстрого производства первого выстрела. Предохранитель смонтирован на спусковом крючке, несмотря на наличие двух стволов, он только один, а нажатие на него производится одновременно указательным и средним пальцами. Откидной барабан вмещает восемь патронов, выстрел происходит сразу из двух стволов, длина которых всего 32 миллиметра. При стрельбе из револьвера применяется патрон серии 22WMR (калибр 5,4 мм). Удлиненная гильза патрона позволила разместить большую навеску пороха, а сама форма пули (масса 2,6 г) оптимизирована для более высоких скоростей полета. Масса револьвера SM S333 «Тандерстрак» с боеприпасами 510 граммов, общая длина 150 миллиметров.



П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ



Россия Президенти Владимир Путин ҳукуматнинг Суданда ҳарбий денгиз флотининг таъминот базасини очиш борасидаги таклифига рози бўлди ва Россия

Мудофаа вазирлигига Судан ҳукумати билан бу ҳақдаги келишувни имзолаш вазифасини топширди. Африканинг ҳудуд бўйича энг йирик давлати ҳисобланган Судан база қурилишига розилик берган. Базадан кемаларни таъмирлаш ва керакли захираларни сақлаш учун фойдаланилади. Келишув муддати 25 йилга мўлжалланган ва кейинчалик яна узайтирилиши мумкин.

ҚИЗИҚИШ ОРТИБ БОРМОҚДА



«Шанхай ҳамкорлик ташкилотини (ШХТ) кенгайтириш мавзуси доимо кун тартибда, чунки у чегараланган форматда ривожлана олмайди. Тадрижий ривожланиш

учун эса «янги қон» қуйилиши, янги ғоялар талаб этилади. Ташкилот доирасидаги ҳамкорликка кўплаб давлатлар томонидан қизиқиш билдирилмоқда. Ҳозирда ШХТга аъзо бўлиш учун 16 мамлакатдан ариза келиб тушган», деди Россия Президентининг ШХТ масалалари бўйича махсус вакили Бахтиёр Ҳақимов.

РЕКОРДЧИ КАБУТАР



Бельгиядаги Пипа кабуларлар маркази «New Kim» деб номланган икки ёшли почта кабулари кимошди савдосида рекорд нарх – 1,6 миллион еврога сотилганини маълум қилди.

Қуш кабулар пойгаларида фойдаланиш учун хитойлик харидор томонидан сотиб олинган. Унинг эгаси Курт Ван де Ваувер қуш неча пулга сотилганини билгандан кейин ўзи ва оиласи шокка тушганини маълум қилган. Аввалги рекорд ҳам Бельгияда 2019 йилнинг март ойида қўйилган бўлиб, Армандо номли кабулар 1,25 миллион еврога сотилган эди.

БУ ҚИЗИҚ

ТУШУНИШ ҚИЙИН БЎЛГАН ТИЛЛАР

ЦУКА ҚАБИЛАСИ

Ҳозирги Бразилия ва Колумбия чегарасида Рио-Негро дарёси соҳилларида қадимдан яшаб келаётган ҳиндуларнинг цука номли қабила мавжуд бўлиб, 1780 йилдан кейингина ушбу қабила билан замонавий кишилар ўртасида дўстона муносабатларга замин яратилган. Шунга қадар қабила цивилизациядан ихтиёрый равишда узилган ҳолда ҳаёт кечирган.

Яхши биласиз, дунё халқлари тилларини ўрганувчи фан лингвистика деб аталади. Лингвистларнинг ўрганишлари натижасига кўра, цука халқининг сўзлашадиган тили суҳбатдошдан албатта ҳар бир гапига изоҳ бериб гаплашишни талаб қиларкан. Масалан, цукаликларнинг «Сен қаердан келяпсан?» деган саволига қисқагина «Овдан», деб эмас, балки «Мен ўрмоннинг ғарбидаги дарёдан балиқ овлаб келяпман», деб жавоб бериши керак бўларкан. Бу билан сиз цукаликларнинг кейинги савол беришига имкон қолдирмайсиз. Улар ҳам сизнинг ҳар бир саволингизга шундай жавоб беришаркан.

АВСТРАЛИЯ АБОРИГЕНЛАРИ

Тарих гувоҳи, Австралиянинг туб ерли аҳолиси ҳисобланган аборигенлар мазкур ўлкага бундан 4 минг йиллардан олдин келиб ўрнашган. Қаердан келганлиги ҳозиргача номаълум бўлса-да, аборигенлар ўзгача халқ саналади. Қолаверса, уларнинг тили дунё халқларининг бошқа тилларидан ўзининг тартибсизлиги билан ажралиб туради. Буни эса оддий тил билан суҳбат чоғида уларнинг сўзларни хоҳлаган ўринда қўйиб ишлатишини айтиш мумкин. Британика энциклопедиясининг маълумотларига қараганда, Австралия аборигенлари «Ўғлим кўчада заҳарли илонлар билан ўйнаб юрибди», деган гапда сўзларни шундай қўярканки, уларнинг нима деяётганини аборигенларнинг ўзидан бошқа ҳеч ким тушунмас экан. Негаки, улар шу гапни «Заҳарли ўғлим илонлар ўйнапти кўча билан», деб гапиришар экан. Бундан келиб чиқадик, уларга «Кечки овқат учун бир бориб кенгуру овлаб келамиз», деган гапни «Овлаб бориб кенгуру учун овқат кечки келамиз», десангиз, шунинг ўзи кифоя. Уларнинг ўзи сизни тушуниб олади.

ПАПУАДА ЯШОВЧИ ХАЛҚ

Индонезиянинг шарқда жойлашган энг йирик провинцияси ҳисобланган Папуада яшовчи халқ жуда қадимий берик тилида сўзлашади. Америкалик лингвист Марк Уотернинг қайд этишига кўра, берик тили суҳбатдошдан саволга жавоб бераётганда аниқ вақтни кўрсатиб жавоб беришни талаб қиларкан. Бу олдин айтиб ўтганимиз изоҳ талаб қилувчи цука тилидан фарқ қилади. Ҳозир буни тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Берик тилида сўзлашувчи қабила бугунги кунда 1 200 кишидан иборат бўлиб, улар «Мен қайлиғимга гул совға қилдим», деб қисқача айтиб қўйиш ўрнига, «Мен тун қоронғисидан, ой нур сочиб турган пайтда қайлиғимга 6 та гул совға қилдим», деб айтишаркан. Бу гапдан эса унинг суҳбатдоши жаноби олийларининг куннинг қайси пайтида севгиллиси билан учрашиб келганини аниқлаштириб бера экан. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, берик тилида гаплашувчилар агар уларда ҳам кун келиб ресторанлар очилса ва унга кимдир таклиф этмоқчи бўлса, улар «Эртага қуёш ботар пайтида, ой энди кўринаётганда мен сизни ресторанга таклиф қиламан», деб айтишади. Бу гапдан эса унинг қизни кечки овқатга ресторанга таклиф қилиши маълум бўлади.

Жаҳонда мавжуд тилларнинг барчасини сўзлашувчи вакиллари билан бирга сақланиб қолишига ва ривожланиб кетишига ҳазрат мир Алишер Навоий замондаги орол денгизи тўлқинларидай жўшқин умидлар боғлаб қоламиз.

С. МАМИРЖОНОВА тайёрлади.



НОМЗОДЛАР КЎПАЙМОҚДА



Қирғизистон Марказий сайлов қўмитаси маълумотига кўра, 10 январда ўтказилиши режалаштирилган мамлакат Президенти сайловларида қатнашиш учун ўз номзодини қўйганлар сони 50 нафардан ошган.

Улар орасида ҳозирда вақтинча президентлик вазифасини бажараётган Садир Жапаровдан тортиб, бир қатор машҳур сиёсатчилар, собиқ парламент аъзолари, ўқитувчилар, юристлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ва ҳатто ўндан ортиқ вақтинча ишсизлар ҳам борлиги маълум қилинган.

ТАҚДИМОТ ЎТКАЗИЛДИ



Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ва Бош вазир Аскар Мамин Россия Бош вазири ўринбосари Алексей Оверчук бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди. Тадбир доирасида Қозоғистон раҳбарияти эътиборига янги рақамли ишланмалар лойиҳаларининг интерактив тақдими ҳавола этилди. Шунингдек, томонлар экотизимларни технологик ривожлантириш ва давлат сервисларининг рақамли таъминоти соҳасида ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ГРАНТ ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ



Жаҳон банкининг кредит муассасалари Тожикистон ҳукумати-га 12 миллион доллар миқдорида грант тақдим этади. Маблағлар мамлакатда тиббий

хизмат сифатини оширишга йўналтирилади. Жумладан, 37 та даволаш-профилактика муассасалари учун тиббий ускуналар харид қилиниши, шунингдек, 100 дан ортиқ қишлоқ поликлиникалари таъмирланиши режалаштирилган. Мазкур грант 2014 – 2022 йилларга мўлжалланган йирик лойиҳанинг бир қисми ҳисобланади.

ТАБИАТ

АЙДАРКҮЛ - ҚУШЛАР МАКОНИ

Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳудудида ястаниб ётган Айдаркўл мамлакатимизда табиий кўлларнинг энг каттаси ҳисобланади.

Манбаларда ёзилишича, ўтган асрнинг бошларида Нурота тоғлари ён бағрида Тузкон кўли бўлган. Аҳолига шу ердан туз етказиб берилган. Кейинчалик сув тошқинлари вужудга келиб, Арнасойдаги кичик кўллар бирлашиб, Фориш туманининг дашт томони сув билан қўшилиб кетган. Шу тариқа Айдаркўл республикамизнинг энг улкан сув ҳавзасига айланган. Кўл жуда маҳобатли, унинг бир томони уфққа туташиб кетган. Эрта тонгдан кўёш бўй кўрсатгач, теварак-атроф қирмизи тусга қиради. Сув сатҳи минг бир жиллоланиб, ҳақиқий жозоба касб этади.

Кўл кўплаб сув ҳавзаларидан иборат бўлиб, табиати мўътадил. Бу ерда эрта тонгданок қушларнинг баланд овоздаги шовқин-сурони эшитилиб туради. Айниқса, соқақушлар шовқини олис-олисларгача садо беради. Биз соҳил бўйлаб борарканмиз, сув қушлари бошимиз узра чарх урар ва ҳавога кўтариларди. Қушларнинг кўплиги ва турли-туманлиги ақлни шоширади. Улар парвози ажиб бир гўзаллик бағишларди.

Бу қушларни ўтроқ ва кўчиб юривчиларга ажратиш мумкин. Қорабузов, оқбош ўрдак, қашқалдоқ, қирғовул кабилар ўлкамизда муқим яшайди. Илгари кўлда қорабузов ва чағалайлар бармоқ билан санарли даражада эди. Эндиликда улар сони кўпайиб, бошқа сув қушларининг тури ҳам ортиб бормоқда. Улар гала-гала бўлиб, товущисиз ҳаракат қилиб, сувнинг тебранишидан ўлжасини осон топадилар. Шунингдек, қирғоқ бўйидаги ўсимликлар ва дон-дунлар билан озикланиб, етарли ёғ захирасини тўплайди.

Қушларнинг кўчиб юриши – яшаш учун курашдан иборат. Айдаркўлда сув қишда ҳам музламагани учун минглаб ранг-баранг қушлар гала-гала бўлиб, арғимчок ҳосил қилиб, Узоқ Сибирь ва Урал ортидан учиб келишган. Шулардан соқақуш, қорабузов, оқбош ва олақанот ўрдаклар, оқ пешонали ва қизилтомоқ ғозлар, ноёб ва камёб оққуш ҳамда турналар бир-бири билан ўзаро хабар алмашиб, озуқа мўл бўлган жойларни топишади.

Йиртқич қушлардан оқдумли сувбургути ҳамда сувқирғийлар ўткир кўзли айёр «овчилар»дир. Улар худди яшиндек тез ҳаракатланиб, балиқларни оёқ панжалари билан осонгина тузоққа илинтиради. Оққушлар – «кўл маликалари» ҳисобланиб, жуда чиройли ва хуррак. Сувда сузиб юривчи йирик қушлардан. Кўриниши қордек оппоқ, тумшуғи сариқ. Бўйни тана узунлигига тенг.

Кулранг ғоз нодир паррандалардан ҳисобланиб, учиш олдида бироз югуриб, сўнгра истар-истамас ҳавога кўтариларди. Унинг ташқи кўриниши жуда чиройли. Устки қисми кулранг, қорин томони оқ патлар билан қопланган, тумшуғи эса қизил рангда. Оёқ панжалари пардали бўлганидан сувда тез ва яхши сузади. Уларни қамишли ҳавзаларда учратиш мумкин. Кулранг ғозлардан ташқари ёввойи ва кўк ғозлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Улар бу ерга қишлаш учун учиб келган.

Ўрдаксимонлар туркумига кирувчи чуррак ювош ва хуркмас қуш. Секин ҳаракатланади. Ташқи кўриниши кулранг. Оёқ панжалари пардали бўлганлиги сабабли сувда тез сузиб,

чуқур шўнғий олади. Сув тагида узоқ вақт тура олиши билан бошқа қанотли қушлардан фарқ қилади.

Айдаркўлда балиқхўр қушларнинг йигирмага яқин турлари мавжуд бўлиб, улардан қоровой, қашқалдоқ ва соқақушлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Аёзли қиш кунлари кўл соҳилларига бошқа ҳудудлардан учиб келган қушлар сони янада кўпайган. Кўпчилиги ҳавза бўйлари ва ботқоқ ҳудудларига кўчиб келишади. Улар чегара билишмайди. Шимолдан учиб келган бу қушлар ўлкамизда тўхтаб, дам олиб, озикланиб, куч тўплаб, яна келган жойига қайтиш тадоригини кўришади. Узоқ сафар олдида гала ҳосил қилиб, бир хил йўлдан учиб кетишади.

Биз қирғоқ бўйлаб борарканмиз, қизил шўразор ва шувоқзорлар эътиборимизни тортди. Кўлнинг кумли соҳиллари кўриниб, юлғун ва қамишзорлар ҳам кўзга ташланиб турарди. Саксовул шохлари тарвақайлаб, танаси йўғонлашиб кетган. Улар қишда қушларга бошпана, ёзда соябон вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, йирик буталар, қуёнсуяк, черкез, қандим каби чўл ўсимликлари кўкка бўй чўзиб, кумкўчкилар олдини олади.

Замира МУРУНОВА, ўқитувчи

55-модда.

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

КЎКТАРҒОҚЛАР



Ёрқин рангдаги бу қушча анҳор бўйлаб учаётганида худди ҳуштак чалганга ўхшаш «пиик-пи-пи», «пиик-пи-пи» каби ингичка ва чўзиқ товушда сайрайди. Гоҳида қанотларини тез-тез қоқиб, ҳавода муаллақ турганича сувда сузиб кетаётган майда балиқларни овлайди. Итбалик, бақа ва ниначи личинкалари ҳам унинг озуқаси саналади.

Кўктарғоқларда уя қуриш даври узоққа чўзилади. Сув ҳавзаси бўйлари ёки соз тупроқли жар ёқаларида маълум чуқурча кавлаб, уя қуришга киришадилар. Дарахт коваги ва ёриқларидаги майда сут эмизувчи жониворлар ташлаб кетган уйчаларни ўзига ин қилиб олиши ҳам мумкин.

Қулай ва шинам уя қуришда мода шонилмай четдан кузатиб, жуфтига далда

бериб туради. Кўктарғоқ нарлари унинг кўнглини олиш учун хас-хашаклар ташиб, тиним билмайди. Уларнинг уялари кўп заҳматлар эвазига бир ҳафта дегадга битади. Албатта, янги кўриниш ҳосил қилган уялар мода қушнинг синчков назоратидан ўтади.

Дарахт шохларида бир неча дуркун нар кўктарғоқлар тизилишиб турибди. Шунда мода қурилган янги уяларни бирма-бир кўздан кечираркан, мустаҳкам уяни танлайди. Ахир, нар бунинг учун озмунча заҳмат чекмадимиз?

Кунлар, ҳафталар ўтиб, кўктарғоқлар, уяга бирин-кетин тухум қўя бошлади. Жуфтликлар кейинчалик ҳам уяни безашда давом этадилар.

Аҳиллик ва тотувлик қушлар ҳаётини мустаҳкамлабгина қолмай, балки хавф-хатарни бартараф этиш ҳамда полапонларни парвариш қилишда ҳам бир тан, бир жон бўлиб курашга ундайди.

Кўктарғоқлар кўпинча жуфт-жуфт бўлиб юради. Уя қурадиган ва донлайдиган ҳудудлари ҳам чегараланган бўлади. Улар бирор манзилга жойлашиб олгандан кейин ҳар йили шу жойга учиб келадилар.

Раъно РУСТАМОВА,
Ғаллаорол туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси

Мабодо сиз катта анҳор бўйлари ёки сув ҳавзаларида бўлсангиз, тумшуғи узун, думи калта ҳаворанг қушчага кўзингиз тушиши мумкин. Танаси ихчам ва миқти бўлган бу қушчанинг номи кўктарғоқ. Унинг патлари худди танасига ёпишиб тургандек ўзига хос жозиблага эга. Қушча дарахт шохлари ёки сув бўйларидаги қалин буталар поясига кўнганича ўлжа пойлаб, куннинг кўп қисмини шу ҳолатда ўтказди. Қанотларнинг катталиги ва шакли турлича бўлган кўктарғоқ бошқа қушлар билан қўшничиликни ҳуш кўрмайди. Хотиржам яшайди.



MURUVVATLI ILON

Labirint

Juda qadim zamonlarda, dunyoda turli mo'jizalar ro'y berib turgan, sehring va jodugarlar ko'p bo'lgan paytlarda bir qishloqda Bartek degan bir kambag'al dehqon yashar ekan.

Hammaning hovlisida otlar kishnab, sigirlar "mo'-mo"lab tursa, sho'rlik Barteknikida bitta-yu bitta o'rdakcha "g'a-g'a"lab yurarkan. O'rdakcha ming qilsa ham o'rdakcha-da, hali tuxumga ham kirmagan bir siqim pat, undan kim ham, nima ham baraka topardi? Nuqul Bartekning orqasidan ergashib, lapanglab chopishni-yu, quv nab "g'a-g'a"lashni bilarkan, xolos. Ammo Bartek ham o'rdakchasini o'lguday yaxshi ko'rarkan, uni desa xuddi jonini berguday bo'larkan. Hali qarasang, quchoqlab barra o't keltirgan, hali qarasang, yana allambalo ko'katlardan yulib kelgan. Bu ham yetmaganday, shartta o'rdakchani bag'riga olarkan-da, zilol suvli soyga olib borib, asta suvga qo'yib yuborarkan va juda ham muloyim tovushda: "Suz, suzaver, jonginam!" deb qo'yarkan.

Ana, ko'rdingizmi, Bartek o'rdakchasiga qanaqangi g'amxo'rliklar qilmas ekan!

Kunlarning birida Bartek o'rdakchasiga barra maysa-o'tlar va baqato'nlardan olib kelgani qo'shni vodiydagi ko'lga qarab ketibdi.

Baqato'nlardan mo'lroq olish uchun u elakcha ham olibdi. Bartek toshli so'qmoq yo'ldan sho'x-sho'x hushtak chalgancha, tog'-toshlarni tomosha qilib ketaveribdi. Bir joyga borganida u taqqa to'xtabdi. Xayolida kimdir uni ermak qilayotganday tuyulibdi. Turibdi-turibdi, rosa atrofqa quloq solibdi. "E, bu aks sado-ku", debdi-da, yana yo'lida davom etibdi. Biroz yuribdi-da, yana to'xtabdi: yo'q, bu aks sadoga o'xshmaydi.

Shundoq yonginasida kimdir juda nozik tovushda, nihoyatda mayin ohangda hushtak chalardi. Bartek u yoqqa qarabdi, bu yoqqa qarabdi, hech zog' ko'rinmabdi. Endi yo'lga tushaman deb turgan ekan, birdan kimningdir:

- Bartek, yordam ber! - degan ovozi eshilibdi.

Bartek tevarak-atrofqa alanglab qarabdi-yu, lekin hech kim ko'rinmabdi.

- Kimsan, qayerdasan, hech bilib bo'lmaydi-ku, tag'in senga qanday yordam beray? - debdi Bartek.

- Bundoq qora archaga egilsang-chi, - javob qaytaribdi ingichka ovoz.

Bartek yo'l chekkasida o'sib yotgan qora archa tupiga yaqin borib, pastroqqa engashgan ekan, nimani ko'ribdi deng-a: buta tagida bir ilon yotganmish. Ilon har boshini ko'targanda o'tkir vishillagan ovoz chiqararmish. Boshidagi shudring tomchilaridan kiygan toji esa bamisoli olmosday yalt-yult qilarmish. Bartek, yo'q, bu oddiy ilon emas, balki ilon qiyofasidagi malika bo'lsa kerak, deb o'ylabdi.

- Meni elakka sol-da, - deb vishillabdi ilon, - huv, anavi do'nglikka olib borib qo'y, qo'rqma, xizmatim yerda qolmaydi, haqingni olasan.

- Bosh ustiga, malikayi muhtarama, - ta'zim bilan javob beribdi Bartek. - Xizmatim uchun hech qanaqa haq-pa'ning keragi yo'q.

Shunday deb ilonni elakka solibdi-da, aytgan joyiga olib borib qo'yibdi. Bartek vazifani ado etib, endi ketishga chog'langan ekan, birdan ilon qattiq vishillab amr qilibdi:

- Engashsang-chi, Bartek, pastroqqa engash!

Senga bir shohona muruvvat ko'rsatmoqchiman.

Bartek endi yo'q deyolmabdi va engashibdi. Ilon bir vishillagan ekan, Bartekning yuzini bamisoli ilq shabada silab o'tgandek bo'libdi.

Shunda malika ilon unga qarab, debdi:

- Senga kuchli bir sehr jo qildim. Endi istasang bo'ron, dovul ko'tara olasan, qoyalarni uchira olasan.

Va'qti kelib bu senga asqatadi hali. Bor, elagingni ol-da, vodiyya tush. U yerda harbiy qo'shinga duch kelasan. Qo'shin tepasidagi qirol saman otda yuradi. Sehrli kuch har doim esingda bo'lsin.

Bartek yetti bukilib ilonga ta'zim qilibdi-yu, elakni olib, vodiyya tomonga, baqato'nlar eshilib yotgan haligi ko'lga qarab yo'l olibdi. U toshloq so'qmoqdan yurib ketayotgan ekan, birdan orqa tomondan otning dupuri-yu? qattiq kishnagani eshilibdi. Bartek orqasiga o'girilib, qo'li bilan ko'zini quyoshdan to'sib qarab, nimani ko'ribdi deng - butun bir qo'shini tomon yaqinlashib kelayotganmish, oldinda esa qirmizi libosli qirol saman otda o'tirganmish. Boshidagi toj quyoshday charaqlab, ko'zni qamashtirar, qo'lidagi javohirlar qadalgan gurzisi yulduzday chaqnarmish.

- Hoy, yigit! Kimsan? - xitob qilibdi qirol.

- Bartekman, shafqatli qirol! - javob beribdi yigit.

- Bartek dedingmi? - qayta so'rabdi qirol. Bartek ismi qirolning qulog'iga g'alati eshilibdi-da. - Menga qara, Bartek, men juda holdan toydim, birpas hordiq chiqarmoqchiman. Ayt-chi, bir kecha tunagani bu yerda qo'nalg'a topiladimi?

- Bu yaqin-atrofdan siz aytgan narsa yo'q, shafqatli shohim.

- Qo'rg'on-chi?

- Qo'rg'on ham yo'q, shafqatli shohim.

- Unda qayerda tunaymiz bo'lmasa? Men o'lguday charchadim, jangchilarim ham charchashgan. Qanday qilib bo'lmasin, dam olib olishimiz kerak. Axir, biz urushga ketyapmiz.

- Urushga? - qo'rqib ketibdi Bartek.

- Yuraging yorilmasin! - qirol muloyimgina jilmayib qo'yibdi va gurzisini silkitibdi. - Bizlar ko'z ochib-yumguncha dushmanni bir yoqlik qilamiz. Lekin jangdan oldin dam olsak? yomon bo'lmaydi. Ayt-chi, shu yaqin-atrofdan biron kapa-mapa ham yo'qmi, boshimni birpas yerga qo'yib, mizg'ib olsam?


- Agar jirkanmasangiz, kulbamga marhamat qiling.

Qirol rozi bo'libdi.

U Bartekning hovlisiga qadam qo'yishi bilan ko'zi kulrang o'rdakchaga tushibdi. O'rdakcha quvnoq "g'a-g'a"lagancha egasiga peshvoz chiqibdi.

(Davomi bor)

«Jahon xalqlari ertaklari» kitobidan olindi.



MATEMATIKA OLAMI



Noto'g'ri javobli mashqni o'chiring.

$8 < 9$

$6 + 3 = 9$

$5 > 10$

$5 < 7$

$2 + 4 = 6$

$6 > 9$

$6 - 2 = 1$

$7 < 8$

$3 > 5$

$8 + 1 = 5$

$7 > 10$

$9 - 7 = 2$

$10 < 2$

$3 < 6$

$2 > 1$

$9 > 7$

$10 - 6 = 3$

ОБУНА – 2021

«VATANPARVAR» ГАЗЕТАСИ НАШР КЎРСАТКИЧИ – 114
«ЎЗБЕКИСТОН АРМИЯСИ» ЖУРНАЛИ НАШР КЎРСАТКИЧИ – 1273



— БИЗ «VATANPARVAR»НИ
ТАНЛАДИК. СИЗ-ЧИ?

БИР ЧИМДИМ

Душман орттирмоқчи бўлсанг, бирор нарсани ўзгартиришга ҳаракат қил.

В. ВИЛЬСОН

БИЛАСИЗМИ?

Бир қурилиш маҳсулоти 638 йилда Халифа Умар кўрсатмаси билан Басра шаҳрида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ҳозир ҳам озгина ўзгариш билан айтиладиган қурилиш маҳсулоти номи нима?

Жавоб: Бу маҳсулотта ал-Басра номи берилган. Унинг ҳозир «Басра» деб аталади.

БИЛАСИЗМИ?

«Темур тузуклари»да ҳатто ҳарбий асирларнинг ҳуқуқлари ҳам белгиланган. Унга кўра, ҳарбий асирлар жойлашган ерда уч нарс бўлиши керак. Биринчиси – шифохона, иккинчиси – динига қараб ибодатга шароит. Учинчиси нима?

Жавоб: Ҳаммом.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

«Намунали ҳарбийлар оиласи»: ким ғолиб?

VATANPARVAR

Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир
вазифасини вақтинча
бажарувчи
подполковник
Тўлқин Жуманазаров

Навбатчи:
майор
Гулнора Ҳожимуродова

Саҳифаловчилар:
лейтенант
Рамиз Валиев
Нодирабегим Валиева

Мусаҳҳиҳлар:
Зебо Сариева
Сайёра Мелиқўзиева
Муаттар Мелиева

Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50
бухгалтерия: (71) 260-35-20
юридик бўлим: (71) 269-88-91
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёмлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятнинг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Буюртма: г-1162.
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 30 582 нусха.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акция-дорлик компаниясида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.